БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил
19 апрель
Пайшанба
№ 75 (13.511)
Баҳоси 3 тийин

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Информацион билдириш

ВЛКСМ XXI съездининг 16 апрелдаги кечки мажлисида съезд ҳужжатлари ва резолюцияларининг лойиҳаларини муҳокама этиш давом эттирилди.

17 апрель эрталабки мажлисда делегатлар «ВЛКСМ XXI съездининг «Декларациясини» ва ВЛКСМнинг Ҳаракатномавий мақсадларини» қабул қилдилар.

Комсомол қандай бўлиши керак?

МОСКВА. (Махсус мухбирларимиз Ж. РАЗЗОҚОВ ва Ҳ. АКБАРОВ телефон орқали хабар қилади).

ВЛКСМ XXI съезди делегатлари анжуманнинг 7 кунида ана шу саволга аниқ жавоб беришга ҳаракат қилдилар. Кўпчиликни ташвишга солган долзарб масалалар шу куни ҳал бўлди. Муболағасиз айтиш керакки, съезд очилгандан бери анжуманнинг энг қайноқ куни 17 апрель бўлди. Шу куни съезднинг Декларацияси қабул қилинди. Делегатлар бир овоздан ВЛКСМ Ҳаракатномасини маъқулладилар.

ВЛКСМ Устави бўйича муҳокама жуда қизғин ўтди. Ҳар бир жумла ҳар бир сўз устида қизғин баҳс бўлди. Эркин сўзлашгичлар олди у ёки бу масала юзасидан кўтарилаётганлар билан доимо тирбанд бўлди. Жумҳуриятимиз ёш авлодининг вакиллари — Жавоҳарлал Ҳакимов, Акмал Саидов, Аъзам Аҳроров ва бошқа кўпгина делегатлар бир неча бор ўзаро мулоқотга киришдилар. Тошкент вилоят комсомол қўмитасининг янги ВЛКСМ Устави бўйича мурожаатномаси ҳам инобатга олинмади. Комсомол демократик социализмнинг энг авангард ёшлар ташкилоти бўла олиши учун ҳақиқий Уставни яратишга ҳаракат қилинди. Украина, Москва ва Ленинград делегациялари ўз фикр ва ғояларини амалда намойиш этдилар. Уларнинг янги типдаги федератив ёшлар иттифоқини яратиш бўйича ҳаракатлари амалга ошадиган бўлди. «Янги фикрлаш манифести» деб ном олган Устав ҳали тасдиқланмади, муҳокама давом этмоқда.

Делегатлар кечқурунги мажлисда номма-ном овоз бердилар. Улар олдида комсомолнинг номи қандай бўлиши керак, деган савол кўндаланг турди. Шу савол юзасидан баҳслар қизигандан қизиди. Сўнгра икки таклиф ўртага ташланди: ВЛКСМ «Федератив ёшлар иттифоқими ёки ВЛКСМ коммунистик ёшлар иттифоқлари федерацияси бўлиши керакми?».

Ўзбекистонлик делегатлар иккинчи таклиф учун овоз беришди. Ўша куни вақт алламаҳал бўлгани учун овоз бериш натижалари эълон қилинмади. Кеча эрталаб ҳамма нарса ойдинлашди. Кўпчилик овоз билан иккинчи таклиф маъқулланди.

Кеча эрталаб ўтган съезднинг иккинчи мажлисида Литва делегацияси юқоридаги қабул қилинган таклифни қайта кўришни таклиф этди ва баёнот билан чиқди. Уларнинг таклифларини Украина делегациясининг бир қисми, Болтиқбўйи жумҳуриятлари, Москва, Ленинград шаҳарлари делегациялари қўллаб-қувватладилар. Қабул қилинган Уставда ВЛКСМ қуйидагича номланадиган бўлди: «ВЛКСМ — Коммунистик ва социалистик йўналишдаги ёшларни бирлаштирувчи Коммунистик ёшлар иттифоқлари федерациясидир».

Аммо, «ленинчи» сўзига келганда жуда кўп баҳслар ва таклифлар бўлди. Овозга қўйилди. Натижада бу амалга ошмади. Комсомол номида «ленинчи» сўзини сақлаб қолиш учун бор-йўғи 12 овоз етмай қолди. Съезд бўйича одамларнинг фикрлари қандай? Жамоатчилик фикрини ўрганиш борасида Москва шаҳри бўйича 16 апрель куни ўтказилган мулоқотда 194 киши қатнашган. «Комсомол XXI — съездини кузатиб бораяпсизми?» — деган саволга 15 фоиз киши «ҳа», 33 фоиз киши «аҳён-аҳёнда», 52 фоиз киши «йўқ» деб жавоб берган.

Съезд ўз фаолиятини якунламоқда. «Россия» меҳмонхонаси мамлакатимиз ёш авлодининг бугуни ва келажаги ҳал этилаётган муҳим воқеликларининг гувоҳи бўлмоқда. Шу кунлари ёнгинамиздаги Катта Кремль саройида СССР Олий Кенгашининг сессиясида депутатлар Г. Х. Гдлян ва Н. В. Иванов масаласини кўриб чиқишмоқда. Комсомол съездининг айрим делегатлари уларни ёқлаб сессияга мурожаат этишга даъват этиб кўрдилар, лекин бу амалга ошмади. Бу таклифга жумҳуриятимиз вакиллари, Ўрта осиёлик делегатлар қарши турдилар.

Шу куни кечқурун делегатларнинг депутат Б. Ельцин билан учрашуви бўлди. У ёшларнинг кўп саволларига жавоб қайтарди.

Съезд кеча ўз ишини якунлади. ВЛКСМ Марказий органларининг янги раҳбарлари сайланди. Биз бу ҳақда келгуси репортажларимизда батафсил ҳикоя қиламиз.





Суратларда: ўзбекистонлик съезд делегатлари.
Сураткаш махсус мухбиримиз Е. БОТИРОВ.

КОМСОМОЛДА ЎТИШ ДАВРИ

Биз анжуманнинг сўнгги куни бир гуруҳ делегатлар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг съездда қабул қилинган ҳужжатлар тўғрисидаги фикрларини билишга қизиқдик. Қуйида эътиборингизга Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг раиси Акмал САИДОВ билан бўлган суҳбатни ҳавола этамиз.

— Ниҳоят, съезднинг еттинчи кунига келиб, комсомол тақдирини белгиловчи жуда муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Яъни ВЛКСМ XXI съездининг Декларацияси ва ВЛКСМ Ҳаракатномаси...

— Бу ҳужжатлар комсомолдаги ўтиш шу даврга мўлжалланган бўлиб, комсомолнинг худди даврдаги мақсад, вазифа ва функцияларини белгилаб беради. Бу ҳужжатларнинг мазмунига тўхталмоқчи эмасман. Чунки улар ёшлар матбуотида эълон қилинади. Ҳозир муштарийларимиз эътиборини кўп баҳсларга сабаб бўлган бир муҳим масалага қаратмоқчиман: комсомолнинг федератив тузилиши масаласи. Фикримча, давлат федератив тузилиши принципларини тўғридан-тўғри сунъий равишда комсомол тузилишига кўчириш нотўғри. Сабаби, давлат ва комсомол тузилишлари орасида муайян фарқлар мавжуд. Бундан ташқари «федерация» тушунчаси мавҳумлигича қолди. Ҳақиқатан ҳам, қандай қилиб бир томондан, иттифоқдош жумҳуриятлар коммунистик ёшлар иттифоқлари, иккинчи томондан, комсомол Устави доирасида ҳаракат этувчи Бутуниттифоқ ёшлар ташкилотлари комсомол федерациясининг субъектлари бўлиб бирлаша оладилар? Бу нимадан далолат беради? Балки сўзда барча ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга даъво этмаслик, аслида эса ўзларига қарама-қарши, яъни шу ишларга изчил амал қилмасликдан далолат эмасмикин?

— Агар янгиланган комсомол ҳам иттифоқдош жумҳуриятлар коммунистик ёшлар иттифоқларини, ҳам Бутуниттифоқ ёшлар ташкилотларини бирлаштирса, унда комсомолнинг Ёшлар ташкилотлари қўмитасидан фарқи нимада?

— Жуда ўринли савол. Шуни таъкидламоқчиманки, мен съездда мана шундай шаклда қабул қилинган қарорга қўшилолмайман. Афсуски, бу масала муҳокамаси мобайнида қайта-қайта берган саволларимга аниқ жавоб ололмадим. Бундан ташқари, мени ВЛКСМ доирасида турли гуруҳ ва фракциялар тузилиши мумкин, деган қоида ҳам бирмунча ташвишлантиради. Сабаби, кўп фирқалилик томон кетаётган бир вақтда турли хил кўлам ва шаклдаги ташкилотларнинг мажмуаси, бошқача қилиб айтсак, федерацияси комсомол бўлиши мантиққа зид. Бу билан комсомол кўп жиҳатдан Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг мақсад ва вазифалари ҳамда ташкилий тузилиш принципларини такрорлайди. Асосий фарқ: комсомол — бу ижтимоий-сиёсий ташкилот, ЁТҚ эса ёшларнинг носиёсий мустақил ташкилотидир.

— Съезд якунларидан қанчалик қониқдингиз?

— Съезд руҳини бир сўз билан изоҳлаш мушкул. Шу маънода бу, бир томондан, ҳозирги давр талабларига мос қарорлар қабул қилингани бўлса, иккинчи томондан, бир қанча муаммо ва жумбоқларни келтириб чиқарди. Мисол учун комсомолнинг ташкилий тузилиши масалалари. Жумладан, федерация субъектлари ниҳоятда баҳсли ва ноаниқдир. Тенг бўлмаган ва турли принциплар асосида бирлашган ташкилотлар федерация субъектлари бўлиб қолмоқда. Кейинчалик комсомолда мулк масалалари муайян низолар туғдириши эҳтимоли бор.

— Хўш, сизнингча нима қилиш керак?

— Аввalamбор Ўзбекистон комсомолининг навбатдаги съездини чақириш керак. Унда Ўзбекистон комсомоли Ҳаракатномаси ва Устави қабул қилиниши лозим. Бу ҳужжатларда ВЛКСМ XXI съезди қарорларидаги айрим зиддиятларни эътиборга олиши керак. Энг асосийси, Ўзбекистон ёшларининг хоҳиш-истаклари, орзу-умидлари мужассам бўлмоғи даркор. Съезд, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ёшларимизнинг кенг маслаҳатига айлантирилиши керак. Муайян нуқтаи назарни белгилаб олгандан сўнг Иттифоқ шартномасини тузиш зарур.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

17 апрель куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг область партия комитетлари биринчи ва иккинчи секретарлари иштирокида кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Компартиясида ҳисобот ва сайловларнинг бориши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Масалани муҳокама қилиш чоғида қизғин тус олган ҳисобот-сайлов кампанияси КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль ва март Пленумлари талабларини ҳисобга олган ҳолда, умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинган КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва КПСС Устави лойиҳалари таъсири остида ўтаётганлиги таъкидланди. Партияни янгилашнинг асосий муаммолари юзасидан съездолди мунозараларининг, йиғилишлар ва конференцияларнинг ўтишига омманинг кенг миқёсда сиёсийлашганлиги, республикадаги мураккаб иқтисодий вазият, ижтимоий кескинлик ўз таъсирини ўтказмоқда. Бошланғич ва цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари асосан тугалланди. Дастлабки 17 шаҳар, район партия конференциялари бўлиб ўтди. Умуман демократиялаш, ошкораликнинг чуқурлашганлиги, коммунистларнинг юксак фаоллиги ва танқидий кайфияти, қайта қуришнинг боришидан қониқмаслик улар учун хос бўлди.

Шу билан бирга ҳозирги ҳисобот-сайлов кампанияси алоҳида аҳамиятга эга эканлигига ва муддатлари жуда қисқалигига қарамай, айрим область, шаҳар ва район партия комитетлари йиғилишлар ва конференцияларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга тегишлича масъулият билан қарамадилар, аввалбошданоқ назоратни бўшаштириб юбордилар.

Марказий Комитет Бюроси республика партия комитетлари зиммасига район, шаҳар, область партия конференцияларини ташкилий ва ғоявий-сиёсий жиҳатдан юксак даражада тайёрлаш ва ўтказиш масалаларига эътиборни кучайтиришни юклади. КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури ва партия Устави лойиҳаларини, КПСС Марказий Комитетининг мамлакат коммунистларига очиқ хатини кенг муҳокама қилиш, уларда баён қилинган принципиал масалаларга доир ўз позицияларини белгилаб олиш учун съездолди ҳисобот-сайлов кампаниясидан самарали фойдаланиш керак. Ишнинг янги шаклларини коллектив бўлиб излаш, вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий вазиятни, КПССнинг жамиятдаги янги ўрни ва ролини ҳисобга олиб партия ташкилотлари фаолиятини янгилаш программасини ишлаб чиқиш таъминлансин.

КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль ва март Пленумлари, уларда қабул қилинган ижтимоий-сиёсий системада партиянинг янги ролини белгилаб берувчи съездолди ҳужжатлари талаблари асосида Марказий Комитет Бюроси область партия комитетлари структурасини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратини такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилди ва бу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

21 АПРЕЛЬ — ЛЕНИНЧА ШАНБАЛИК КУНИ

НУКУС. Нукус мебелчилари шанбалик кунида ишлаб топилган маблағнинг асосий қисмини ишлаб чиқаришни модернизациялашга сарфлашни, аниқроғи, эса яқиндагина бу ерда очилган экспериментал цех учун технология ускуналарини харид қилишга сарфлашни мўлжалламоқдалар. Айнан шу цехда Қорақалпоғистон аҳолиси ўртасида шуҳрат қозонган «Дон-2» мебель туркуми ишлаб чиқарилади.

Дастлабки ҳисоб китобларга кўра 21 апрель куни бу ерда 10 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. 160 киши дастгоҳлар ва технология линиялари ёнида ишлайдилар, қолганлари эса корхона ҳудудини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш билан шуғулланадилар. Қарийб 500 сўмни касаба уюшма фондига ўтказиш режалаштирилган.

* * *

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ. Янгиқўрғон ноҳиясидаги Ульянов номли давлат хўжалиги меҳнатчилари шанбаликда ишлаб топилган тўрт минг сўмни касаба уюшма қўмитаси ҳисобига ўтказишга қарор қилдилар. Бу пулларни меҳнат жамоаси кам таъминланган оилаларга бир йўла бериладиган ёрдам учун, мактабгача болалар муассасаларига анжомлар харид қилиш учун сарфлашни мўлжалламоқда.

* * *

САМАРҚАНД. Самарқанд трикотаж фабрикасининг барча ходимлари шанбаликка чиқадилар. Улар 51 минг сўмлик трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришни мўлжалламоқдалар. Касаба уюшма қўмитаси ҳисобига ўтказиладиган маблағни савдомаиший ва жисмоний соғломлаштириш кошоналари учун ускуналар харид қилишга сарфлаш режалаштирилмоқда.

21 апрель куни Самарқанддаги «Меҳнат» тикувчилик бирлашмасининг меҳнатчилари ҳам дастгоҳлар ёнида туриб ишлашади. Касаба уюшма қўмитаси ҳисобига беш минг сўм ўтказиш мўлжалланмоқда, бу пуллар ижтимоий эҳтиёжларга — кўп болали ва ёлғиз оналарга моддий ёрдам бериш, дам олиш хоналарига анжомлар харид қилиш учун сарфланади.

* * *

УРГАНЧ. В. И. Ленин номидаги Хоразм тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилари В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ шанбалигида дастгоҳлар ёнида туриб ишлайдилар. Улар 21 апрель куни эллик минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни мўлжалламоқдалар. Булар болалар тикувчилик ва трикотаж буюмлари бўлиб, оталиқдаги болалар уйларига ўтказилади.

(ЎзТАГ).

* * *

ЧИРЧИҚ. Болалар учун кийим-кечак тикишга ихтисослашган жумҳуриятимиздаги ягона корхона — «Ғунча» тикувчилик фабрикаси жамоаси ҳам шанбаликка пухта тараддуд кўрмоқда. Чеварларнинг асосий қисми ўз иш жойларини банд қиладилар ва ҳар қачонгидан юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Бундан ташқари инженер-техник ходимлар ва хизматчилар фабрика ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш сингари юмушларни бажаришади. Янгидан ўтқазиш учун 300 туп мевали дарахт кўчатига буюртма берилди. Ариқлар тозаланади. Корхона ишчиларининг фарзандлари қатнайдиган боғча, даволаш муассасаси теварак-атрофи тартибга келтирилади. 30 киши ишчилар ошхонаси қурилишида бинокорларга кўмаклашишни белгилаб қўйилди.

Фабрика директори ўринбосари Абдумажид Тожибоевич ҲАМИДОВнинг редакциямизга хабар қилишича, шанбалик кунидан тушган маблағ фақат корхона тикувчиларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашга сарф қилинади.

М. СОИБНАЗАРОВА

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ (Самарқанд шаҳри) ТЕМИРЙЎЛ НОҲИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ БИРИНЧИ КОТИБИ Аъзам АҲРОРОВ НУТҚИ

Делегат ўртоқлар, мен вакил бўлган Самарқанд комсомоли бизнинг музофотда Россия коммунистик ёшлар иттифоқи билан деярли бир пайтда ташкил топган ва катта ҳамда ўзига хос тарихга эга.

Ҳозирги мураккаб даврда мамлакат комсомолининг тақдири биз учун бефарқ эмас, бир маънода айтаманки, федерация элементлари билан ғоявий муштарак ва ташкилий мустақил бўлган мамлакатнинг Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи тарафдоримиз.

Биз айни мана шунинг учун бугунги кунда Москвага, Ватанимизнинг пойтахтига, съездга келдик ва иттифоқимизнинг бирлиги тўғрисида жиддий гаплашиб олиш ҳамда ҳаётий муаммоларимизни ҳамжиҳатликда бирга ҳал этиш ниятидамиз.

Биз ВЛКСМ XXI съезди ҳал қилувчи роль ўйнаши, у комсомоллар турмушини ҳаракатга келтириши ва ўзгартириши лозимлиги ҳақида кўп эшитдик, ўқидик ва гаплашдик. Бироқ съезднинг ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, менда уни тайёрлашдан қониқмаслик юзага келди. Нима учун? Тушунтириб беришга ҳаракат қиламан. ВЛКСМ XX съезди комсомолнинг вазифаларини белгилаб, мана шундай формулани ишлаб чиққан эди: биринчидан — ёшларнинг эҳтиёжларини қондириш, иккинчидан — қониқтира бориб бирлаштириш ва учинчидан — ёшларни бирлаштира бориб тарбиялашдан иборат эканлиги ёдимизда.

Эндиликда ёшларнинг талаблари қанчалик қондирилди, биз ёшларни бирлаштира ва уларни тарбиялай олдикми? — деб сўрашга ижозат этгайсизлар. Ҳисобот даврида бирмунча амалга оширилган ишларни адолат юзасидан айтиб ўтиш билан бирга кўп иш қилинмади, деб ўйлайман. Ўртоқлар! Ўрта Осиё жумҳуриятлари делегатларининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган музофот учрашув-йиғилишида ВЛКСМ Ҳаракатномаси ва Уставига тааллуқли билдирилган ўнлаб таклифлардан ВЛКСМ аъзоси комсомолнинг моддий имкониятидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлганлиги ҳақидагиси қолди, холос. Музофотимиз делегатларининг позицияси қандай бўлганди, агар делегациямиз иложсиз аҳволда, танлаб олиш иложи бўлмаган ҳолда қолганда ана шундай йиғилиш ўтказишнинг ҳожати бормиди? — деган савол туғилади. Агар биз съездимизни ана шундай кайфиятда ўтказар эканмиз, шуни бугун очиқ айтиш керакки, комсомолимиз турмушини ўзгартиришдан ва олға қараб ҳаракат қилишдан узоқда бўламиз. Бу ўринда халқнинг: «Нимани эксанг, шуни ўрасан», — деган мақолини эслатиб ўтиш ўринли бўлади, деб ўйлайман. Мана шундай тахминлар ҳам билдирилмоқда: агар биз ҳозир келгуси даврга комсомол турмуши фаолиятининг ҳаракатномавий ҳужжатларини қабул қилгундек бўлсак, унда ВЛКСМ XXII съезди орадан бир йил ёки бир ярим йил ўтгандан кейин чақирилади, эҳтимол, унинг асосий делегатлари мактабларнинг ўқувчилари бўладилар. Буни ВЛКСМ аъзоларининг маърузаларида, съезд делегатларига тарқатилган статистик ва справочник материалларда ифодаланган маълумотлардан шунчаки фаҳмлаб олиш мумкин. Шу муносабат билан биз ВЛКСМ XXI съездини (майли ўзига хос бўлсин) икки босқичда ўтказиш таклифини қўллаб-қувватлаймиз. Биринчи босқичида, яъни ҳозир, комсомолнинг ҳаракатномавий мақсадлари ва Уставини ишлаб чиқиш, уни асос учун қабул қилиш ва жойларда комсомол ташкилотлари синчиклаб муҳокама қилишлари учун таклиф этиш мумкин бўларди. Иккинчи босқичга эса — иттифоқдош жумҳуриятлар комсомол съездлари ўтганидан ва совет федерацияси янгиланганидан кейин асосий ҳужжатларни тасдиқлаш мумкин бўларди. Босқичма-босқичлиги шундаки, бир йўла барчасини қамраб олиш ҳақиқатан мумкин эмас. Бунга СССР халқ депутатлари Съездини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. У эндигина ўз самараларини бера бошлади. Ҳар ярим йилда ўтказилаётганлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. ВЛКСМ Устави тўғрисида бир неча оғиз сўз. Янги Уставимиз моҳияти жиҳатидан эскисидан фарқ қилиши лозим, деб ўйлайман. ВЛКСМ янги Уставининг биринчи сўзбошисини ўқиб, бу ҳақда шундай деёлмайсан.

Биз биламизки, ҳар қандай ташкилотнинг уставида бу қандай ташкилот эканлигини кўрсатувчи, у кимларни бирлаштириши, қандай мақсадлар ва ғояларни рўёбга чиқариши ҳамда унинг фаолияти маъноси нима эканлигига таъриф берилиши зарур. Биз ВЛКСМ совет ёшларининг кўнгилли, мустақил ижтимоий-сиёсий ташкилотигина бўлиб қолмай, балки ёшларни социализм ҳаракат дастурида, демократик янгиланган жамиятда жипслаштирувчи, ёшларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ифодаловчи, ҳимоя қилувчи ва рўёбга чиқарувчи ташкилот бўлиши лозим, деб ўйлаймиз. ВЛКСМ ўз фаолиятининг асосий моҳиятини эса йигит-қизнинг ғоявий, ахлоқий ва ижодий ривожланишини қўллаб-қувватлашда, шахснинг ижодий қобилиятини намоён этишда, бунинг учун энг асосийси тегишли шароитлар яратишда деб билиши лозим, ўртоқлар. Ташкилотимиз фалсафанинг турмуш онгини белгилайди, деган оддий қонунига риоя этиши лозим деб ўйлайман. Ташкилотимизга сиёсий қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда ёшлар сиёсатини амалга ошириш ҳам зарурдир. Бу — шарт. Янги шароитларда ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг роли ҳам, уни шакллантириш тартиблари ҳам жиддий ўзгариши зарур. Ҳар бир жумҳурият ВЛКСМ Марказий органларида тегишли кафолатланган ажратилган ўринга эга бўлиши зарур. Ўртоқлар! Эскича тартиблар билан ҳам келишиш мумкин эмас. ВЛКСМнинг сайлаб қўйиладиган органларида Москва шаҳар комсомол ташкилоти 45 минг комсомол аъзосидан бир вакил, Белоруссия 82 минг комсомол аъзосидан бир вакил, Ўзбекистон эса 345 минг комсомол аъзосидан бир вакилга эга бўлди. Иттифоқдош жумҳуриятлар вакиллиги принципини ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюроси, аппарати таркибида ҳам таъминлаш лозим. Марказий аппаратни асосан Россия федерацияси ва Украина бир қатор музофотлари комсомол ходимлари ҳисобидан шакллантиришни оқилона кадрлар сиёсати, деб изоҳлаш мумкин бўлмаса керак.

Комсомол ташкилотларининг молиявий-хўжалик мустақиллиги шароитида ВЛКСМнинг мулки тўғрисидаги масала алоҳида долзарблик касб этади. Ҳозир у бутун мамлакат бўйича ягона бўлиб, амалда марказий комсомол органлари мулк ҳуқуқига эгадирлар. Шу билан унинг асосий соҳибларини мулкдан бегоналаштириш содир бўлаётир. Яъни ВЛКСМ аъзолари ва комсомол ташкилотларини. Уларда комсомол маблағларидан фойдаланишдан қониқмаслик адолатли тарзда юзага келаяпти.

Ўртоқлар! Ҳозир бизда мавжуд ва унга мувофиқ тарзда қотиб қолган иш услубларида ҳануз амал қилиб келаётган йўриқномалар тўғрисида бир неча оғиз гапириб ўтмоқчиман. Биз ҳозирча ана шу йўриқномаларга мина қўйилган дала бўйлаб қандай юриш лозимлиги сифатида мурожаат қилишимизга тўғри келаяпти. Ёшлар ташкилотининг ҳеч қандай йўриқномалари бўлмаслиги керак, деб ўйлайман. Йўриқномалар Мудофаа вазирлиги бўлинмаларида, вазирликларда ва маҳкамаларда бўлаверсин, агар ана шунга бориб етилгундек бўлса, унда бизга комсомол фаолиятининг тартиби тўғрисида низомлар бўлиши зарур. ВЛКСМ Ҳаракатномаси ва Уставининг бошқа бандлари юзасидан ҳам принципиал эътирозлар бор. Ўртоқлар! Лекин ана шу ҳақда секция мажлисларида гаплашиб олишимизга имконият бўлади.

Ҳар ҳолда съездимиз ғоят масъулиятли ҳисобланади, чунки бугунги кунда қандай қарорлар қабул қилишимизга фақатгина комсомол тақдири боғлиқ бўлмайди, деб айтсам, эҳтимол, умумий фикрни ифодалаган бўламан. Бир мутафаккирнинг: «Душмандан қўрқма — энг ёмон ҳолда у сени ўлдиради; дўстдан қўрқма — энг ёмон ҳолда у сени сотиши мумкин; лоқайдликдан қўрқ — ундан ҳамма нарсани кутиш мумкин», деган сўзларини эслатиб ўтишни истайман. Мана шундай. Ўз тақдиримизга, ёшлар тақдирига лоқайд бўлмайлик, яқин келажакда ҳали пенсияга чиқмаймиз, яъни келажак бизники ва истиқбол пойдеворини бугун биз қўйишимиз кераклигини унутмайлик, ўртоқлар. **(Қарсаклар).**

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ «ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИНИНГ БИР ҚАНЧА ТУРЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССРДАН ТАШҚАРИГА ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШНИ ЧЕКЛАШ ТЎҒРИСИДА» ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарор қилади:

Ички бозорни барқарорлаштириш мақсадида харидоргир озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат молларининг республикадан ташқарига олиб чиқиб кетилишини вақтинча чеклаш тўғрисида Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ва Ўзбекбирлашувнинг таклифи қабул қилинсин (моллар рўйхати илова қилинади).

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги 1990 йил 20 апрелдан бошлаб ана шу рўйхатдаги молларни Ўзбекистон ССРдан ташқарига жўнатиш учун почта посилкаларини қабул қилишни тўхтатиб қўйсин. Ҳарбий қисмлар, ногиронлар, қариялар уйлари, болалар уйлари, интернат мактаблар, ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларида жазони ўтаётган кишилар, олий ўқув юртлари, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртларининг республикадан ташқарида ўқиётган талабалари номига жўнатиладиган маҳсулотлар бундан мустасно.

Ўрта Осиё Темир йўли бошқармаси, Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармаси, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги 1990 йилнинг 20 апрелидан бошлаб озиқ-овқат молларининг барча турларини республикадан ташқарига олиб чиқишни чеклашсин, граждандардан белгиланган нормадан ташқари озиқ-овқат маҳсулотлари юкини қабул қилмасинлар, харидоргир молларни республикадан ташқарига жўнатиш учун уларга ва кооперативларга вагонлар, контейнерлар, автотранспорт ва самолётлар ажратмасинлар. Шахсий фойдаланишдаги буюмлар, шунингдек истиқомат қилиш учун янги жойга жўнаб кетаётган кишиларнинг буюмлари бундан истисно.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетига бир кишига олиш мумкин бўлган моллар нормаси белгилаб берилади. Молларни республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиш ҳоллари аниқланганда эса, уларни сотиш тўғрисида шу жойнинг ўзида қарор қабул қилинсин. Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги ва Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги билан биргаликда айниқса аэропортларда, темир йўл ва автомобиль вокзалларида олиб қўйилган моллар топшириладиган конкрет магазинларни ва умумий овқатланиш корхоналарини белгиласинлар. Бевосита шу жойнинг ўзида малакали мутахассисларни жалб этиш йўли билан граждандардан олиб қўйилган моллар пулини қайтариб бериш тартибини ишлаб чиқилсин ва тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат кооператив комитети, Ўзбекбирлашув, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети 1 июндан кейин қишлоқ хўжалик маҳсулотини республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиш тартиби тўғрисида, шунингдек аҳоли хўжаликларида мева-сабзавот маҳсулоти етиштирувчилар уюшмасини тузиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифлар ишлаб чиқсинлар ва бир ой муддат ичида Ўзбекистон ССР Министрлар Советига топширсинлар.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги транспортнинг барча турларида юк ташиш устидан қатъий назорат ўрнатсин. Кундалик харид моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, чорва моллари ва паррандаларни республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиш ҳолларининг қатъиян олди олинсин.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети, министрликлар ва идоралар енгил автомашиналарни, жумладан, илгари фойдаланишда бўлган машиналарни комиссион нархларда фақат Ўзбекистон ССР территориясида истиқомат қилувчи шахсларгагина сотсинлар.

ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИЛИШИ ЧЕКЛАНГАН ЁКИ ТАҚИҚЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАР

РЎЙХАТИ

Биринчи устун — моллар номи, иккинчи устун — ўлчов бирлиги, учинчи устун — алоқа бўлими орқали жўнатиш нормаси, тўртинчи устун — транспорт барча турларида олиб чиқиб кетиш тақиқланган юк.

1. Дудланган колбасалар ва дудламалар	кг	1	
Консервалар:			
гўшт	банка	2	
сут	»	2	
балиқ	»	2	
сабзавот	»	2	
мева	»	2	
шарбатлар	»	2	
Шакардан пиширилган маҳсулотлар	»	2	
Пишлоқ, брынза	кг	1	
Сарёғ	»	1	
Болалар таомлари маҳсулотларининг барча турлари	қути	2	
Озиқ-овқат концентратлари	ўрам	10	
Қуруқ нонушта	»	10	
Қовланган, дудланган балиқ	кг	2	
Барча турдаги қаҳва	»	0,2	
Чой	»	0,3	
Қандолатчилик маҳсулотлари	»	1	
Асал	»	1	
Қанд-шакар	»	1	
Ун	»	2	
Гуруч	»	2	
Тамаки маҳсулотлари	қути	10	
Қора мурч	кг	0,1	
Хантал, бошқа зираворлар	»	0,2	
Ош содаси	»	0,2	
Хамиртуруш	»	0,2	
Ип газламалар	метр	6	
Сочиқ	дона	2	
Жун рўмол	»	1	
Чарм пойабзал	жуфт	1	
Осиё калишлари	жуфт	1	
Тайёр кийимлар	тури	1тадан	
Пайпоқ-носкилар	жуфт	2	
Урин-кўрпа жилдлари	туркум	1	
Кир совун, атир совун	бўлак	2	
Синтетик ювиш воситалари	қути	1	
Тиш ювиш пастаси	тюбик	2	
Корсет буюмлар	дона	1	
Соқол олиш пискалари	қути	1	
Митти калькуляторлар	дона	1	
Ичкиём-кассеталар	»	2	
Ип ва ипак	»	2	
Мактаб-ёзув анжомлари	тури	2	
Сурат қоғози	қути	1	
II. Барча озиқ-овқат маҳсулотлари шу жумладан вино-арақ	—	—	тақиқланган
Чорва ва парранда	—	—	»
Чет элда ишлаб чиқарилган барча ноозиқ-овқат маҳсулотлари	—	—	»
Узоқ муддат фойдаланиладиган моллар			
Телевизор	—	—	»
Пианино ва рояллар	—	—	»
Енгил автомашиналар	—	—	»
Велосипед ва мопедлар	—	—	»
Электр-буюмлар	—	—	»
Мебель	—	—	»
Гилам ва гилам буюмлар	—	—	»
Радиотехника	—	—	»
Заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металлардан ясалган буюмлар	—	—	тақиқланган
Табиий мўйна буюмлар			»
Бинокорлик материаллари:			
ёғоч-тахта	—	—	»
цемент, шифер, дераза ойнаси	—	—	»
лок-бўёқ маҳсулотлари	—	—	»
Сантехника, санитария сопол буюмлари	—	—	»
Линолиум, гулқоғозлар	—	—	»
Кундалик моллар:			
ип, тугма, игна, шпилька, гугурт, шам, пичоқлар, қайчилар	—	—	»
Синтетик ювиш воситалари	—	—	»
Кир совун, атир совун	—	—	»
Тиш ювиш пастаси	—	—	»
Соқол олиш учун пискалар	—	—	»
Калава иплар	—	—	»
Соябонлар	—	—	»
Жун рўмоллар	—	—	»
Гальваник элементлар	—	—	»
Сурат қоғози	—	—	»
Ип газламалар:			
чит, сатин, чойшаббоп газлама, дока	—	—	»
Ипак газламалар:			
духоба, бахмал	—	—	тақиқланган
духоба буюмлар	—	—	»
Тайёр кийимлар	—	—	»
Пойабзал	—	—	»
Бош кийим	—	—	»
Ёнилғи-мойлаш материаллари	—	—	»

* * *

1 ИЮНГАЧА РЕСПУБЛИКАДАН ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШ ЧЕКЛАНГАН ЁКИ ТАҚИҚЛАНГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ

РЎЙХАТИ

Биринчи устун — маҳсулот тури, иккинчи устун — ўлчов бирлиги, учинчи устун — алоқа бўлими орқали жўнатиладиган маҳсулот нормаси, тўртинчи устун — транспорт барча турларида олиб чиқиб кетиш тақиқланган юк.

Сабзавот:			
помидор	кг	2	тақиқланган
бодринг	»	—	»
лавлаги	»	—	»
сабзи	»	—	»
шолғом	«	—	»
пиёз	»	2	»
турп			»
булғор қалампири			»
саримсоқ пиёз	»	2	»
Мева:			
олма	кг	2	тақиқланган
узум			»
нок	»	2	»
олхўри	»	2	»
беҳи	»	2	»
хурмо	»		»
туршак ва майиз	»	2	»
ёнғоқ	»	2	»
ерёнғоқ	»	2	»
хандон писта	»	1	»
бодом, шўрданак	»	1	»
полиз маҳсулотлари			»
қовунқоқи			»
картошка			»



Сиз суратда кўриб турган бу тўқувчи қизларни Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасидаги кўпчилик тенгдошлари астойдил ҳурмат қилишади. Бундай эътиборга улар ўзларининг жонкуярликлари, касбга бўлган қизиқишлари, жамоат ишларидаги фаолликлари туфайли сазовор бўлишмоқда.

Таърифлаш билан бўлиб, уларни таништириш ҳам сал бўлмаса эсдан чиқаёзибди. Танишинг: корхона машъаллари Дилором Қосимова ҳамда Мавлуда Нажмиддиновалар. Қизларнинг ҳар бири 12 тадан дастгоҳга хизмат кўрсатиб, смена давомида 400 — 500 метрдан газлама тўқишга муваффақ бўлишмоқда.

А. МИРЗАЖОН олган сурат.

Хорижддан хабарлар

БАНДУНГНИНГ МАШҲУР ПРИНЦИПЛАРИ

1955 йилнинг 18-24 апрель кунлари Осиё ва Африкадаги 29 мамлакат иштирокида Бандунг конференцияси бўлган эди. У тарихга тинч-тотув яшашнинг бешта принципини белгилаб берган анжуман сифатида кирди.

Индонезиянинг бир ярим миллион аҳоли яшайдиган Бандунг шаҳри марказида оппоқ деворли бир қаватли анъанавий «Мустабид» усулида қурилган бино бор. Шаҳарда яшайдиган ҳар қандай киши бу бинога олиб борадиган йўлни кўрсатиб беради. Бугун ана шу ерда ёдгорлик музейи жойлашган, музейда бундан 35 йил муқаддам бўлган Бандунг конференциясининг муҳити қайта тикланган.

Кенг ва кўркам фойенинг тўрида, анжуманда қатнашган 29 мамлакатнинг байроқлари ярим доира шаклида қўйилган. Баландликда «Ялпи тинчлик ва ҳамкорликка кўмаклашиш Декларацияси» деб аталган машҳур Декларация ва бошқа ҳужжатлар имзоланган президиум столи ўрнатилган. Фойе марказида мармар устун бўлиб, унга Бандунгнинг машҳур принциплари олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Конференция қатнашчилари барча мамлакатлар ва халқларни бу принципларни халқаро муносабатлар ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш асосига қўйишга чақирган эдилар.

Бандунг принциплари инсоннинг асосий ҳуқуқларига ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти уставига риоя этишни, барча мамлакатлар суверенитети ва территориал бутунлигини ҳурмат қилишни барча ирқлар ва миллатлар тенглигини эътироф этишни, бошқа давлатларга нисбатан босқинчилик қилишга ва уларнинг ички ишларига аралашишга йўл қўймасликни, ҳар қандай мамлакат территориал бутунлиги ва мустақиллигига қарши ундан фойдаланиб, босқинчилик ёки дўқ-пўписа қилишдан бош тортишни ўз ичига олади. Бу принципларда халқаро баҳслар ва можароларни тинч йўл билан бартараф этиш, адолат, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро фойдали асосда давлатлар ўртасидаги ҳамкорликка ҳар томонлама кўмаклашиш назарда тутилади. Конференция қарорларида мустамлакачилик кишанларидан озод бўлган мамлакатлар мустақиллиги ва суверенитетини, тинчлик ҳамда халқаро хавфсизликни ҳимоя қилиш учун кўпчилик бўлиб фаол ташқи иқтисодий ҳаракатларни амалга ошириш кўзда тутилган эди.

Диққатга сазовор жойи шундаки, Бандунг конференцияси қарорларини унда қатнашган мамлакатларнинг барча раҳбарлари ўз ижтимоий системалари ва ташқи иқтисодий йўналишларида тафовутлар мавжудлигига қарамай, имзолашган эди. Чунки бу қарорлар Осиё-Африка мамлакатлари манфаатларига шубҳасиз жавоб берган, уларнинг жаҳон сиёсатидаги роли ва обрўсини оширишга кўмаклашган эди.

Айни вақтда анжуман қатнашчилари тинчлик, тараққиёт, озодлик ва халқаро хавфсизлик муаммолари ўртасида узвий боғлиқлик борлигини таъкидлагандилар. Улар барча давлатларни қуролли кучлар ва қурол-яроғларни чеклаш, қисқартириш учун курашда куч-ғайратларни бирлаштиришга чақирган, ҳар қандай оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқаришни, уларни синовдан ўтказиш ва қўлланишни тақиқлашни, ядро қуролини тугатиш ва ядро энергиясидан фақат тинч мақсадларда фойдаланишни ёқлаб чиққан эдилар.

Барча халқлар сиёсий ва иқтисодий системаларни эркин танлаб олиш ҳуқуқи, шунингдек БМТ устави мақсадлари ва принципларига биноан турмуш тарзини танлаб олишлари хусусида Бандунг анжуманида эълон қилинган ҳужжатлар бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Бандунг конференциясидан кейин ўтган 35 йил ичида жаҳонда жуда катта ўзгаришлар рўй берди, лекин анжуманнинг машҳур принциплари ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотмади — уларга турли ижтимоий-иқтисодий системадаги давлатлар тинч-тотув яшашнинг замонавий концепциясининг туб ғоялари асос қилиб олинган. Бандунг ғоялари Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи раҳбарлари орадан 30 йил ўтгач имзолаган ядро қуролидан холи ва зўравонликсиз дунёни барпо этиш принциплари тўғрисидаги Деҳли декларациясида ҳам ўз аксини топди. СССРнинг Владивосток ва Красноярск шаҳарларида олға сурган таклифлари ҳам улар билан ҳамоҳангдир. Бу таклифлар Осиё-Тинч океан регионида ҳақиқий тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ва уларда Осиё-Тинч океан регионидаги барча катта ва кичик мамлакатлар тенг хавфсизлик, ўзаро фойдали, тенг ҳуқуқлилик ва ишонч асосида биргаликда куч-ғайрат сарфлаши назарда тутилади. Бундан 35 йил илгари Бандунг конференцияси чақирилишини ва унда қабул қилинган ҳужжатларни қўллаб-қувватлаган Совет Иттифоқи янги сиёсий тафаккурга амал қилиб, ҳозир ҳам Осиё-Тинч океан регионида хавфсизлик ва ҳамкорликнинг яхлит концепциясини ишлаб чиқиш учун Бандунг ғояларидан иложи борича тўларoқ фойдаланишга чақирмоқда.

Алексей ПЕТРОВ,
ТАСС мухбири.
ЖАКАРТА.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

СОФИЯ. Болгария ҳукуматининг бу ерда бўлиб ўтган мажлисида БХРни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 1990 йил биринчи квартали якунлари муҳокама қилинди. БХР Министрлар Советининг Раиси Андрей Луканов мамлакатдаги аҳволнинг мураккаб эканини таъкидлади. Ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 9 фоиз қисқарди. БХР ҳукумати бошлиғининг фикрича, вужудга келган вазиятдан тангликка қарши программани жадал амалга ошириш йўли билангина чиқиб олиш мумкин.

ПЕКИН. «Ўтган йили Хитой—Совет муносабатлари нормаллашганидан кейин ХКП билан КПСС ўртасидаги алоқалар қулай тарзда ва қониқарли ривожланмоқда. ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси доимий комитетининг аъзоси, ХХР Давлат кенгашининг Раиси Ли Пэннинг яқинда СССРга қиладиган ташрифи икки партия ва икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга ёрдам беради», деди ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси доимий комитетининг аъзоси Сун Пин КПСС Марказий Комитетининг халқаро бўлими делегацияси билан бўлган учрашувда.


Ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда ХКП билан КПСС ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш ва фикрлашиб туриш зарур, деб таъкидлади Сун Пин. ХКП Марказий Комитетининг органи «Жэньминь жибао» газетасининг бугун хабар қилишича, у меҳмонларга ХХРдаги ички сиёсий вазият тўғрисида гапириб берди.

ГАВАНА. СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Виктор Комплектовнинг Кубага қилган амалий ташрифи чоғида халқаро муаммолар ва икки томонлама муносабатлар масалаларининг кенг доираси юзасидан Совет — Куба маслаҳатлашувлари ўтказилди. Марказий Америкадаги вазият тўғрисида батафсил фикр алмашинилди. Муҳокамалар дўстона ва амалий вазиятда ўтди ҳамда юксак даражадаги ҳамжиҳатлиги билан ажралиб турди.

ОТТАВА. Совет Иттифоқида қайта қуриш бошланганидан кейин канадаликларнинг ядро уруши олдидаги қўрқуви анча камайди. Гэллап институти ўтказган жамоатчилик фикрини сўраб билиш ана шундай натижа берди. Айни пайтда канадаликларнинг 80 фоизи ўз ҳаётлари мобайнида ядро уруши бўлиши эҳтимоли йўқ деб ҳисобламоқдалар. 1984 йилда бу кўрсаткич 55 фоизга тенг эди. Мамлакатнинг фақат беш фоиз аҳолисигина ядро уруши бўлиши эҳтимолга жуда яқин деб ҳисобламоқда. Олти йил илгари 11 фоиз аҳоли шундай фикрда эди.

Гэллап институти чиқарган хулосаларни кутилмаган воқеа деб бўлмайди. «Совуқ уруш» тугаши билан халқаро кескинликнинг юмшаши эндиликда устун кайфиятларни белгиловчи, кўпчилик тан олган фактдир. Лекин аниқ текширилган маълумотлар Канадада жуда камчиликкина ҳарбий хавфнинг мавжудлигига ишонаётган бир пайтда ҳарбий харажатларни ҳозирги даражада сақлаб туришни беъманилик эканини исботлаётганлар қўлига бу хусусда ишончли далиллар бермоқда.

(ТАСС).



АҚШ. Сиэтл шаҳар полициясининг (Вашингтон штати) 22 ходими бундан буён машинада эмас, балки велосипедда юрадиган бўлишди. Бу ғоя биринчи бўлиб икки йиллар чамаси илгари шаҳар полицияси сипоҳилари Пол Грэди ва Майк Миллернинг хаёлига келди. Ўшанда уларга патруль машиналар етишмай қолганди. Қарангки, машина тўлиб-тошиб ётган Америкада шунақаси ҳам бўларкан. Велосипедга келсак, полициячиларнинг фикрича, унда жиноятчиларни қувиш анча осон кўчаркан, ахир велосипед машина юролмайдиган жойлардан ҳам бемалол ўтаверади-да.

СУРАТДА: шўхлик қилган ўсмир билан гаплашиб қўйиш полициянинг бурчидир.

(ТАСС сурати).

ВСП ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

Будапешт, (ТАСС). Бу ерда Венгрия Социалистик партияси президиумининг мажлиси бўлди. ВСП президиумининг аъзоси И. Пожгаи мажлисда парламент сайловида партиянинг қатнашиши тўғрисида нутқ сўзлади. У, жумладан сайловда ярим миллиондан кўпроқ сайловчилар овозини олган Венгрия Социалистик партияси мамлакатнинг бўлажак парламентида амалий иш юрита оладиган оппозиция бўлиши мумкинлигини айтди.

ВСП раиси Р. Ньерш партия II съездини чақириш тўғрисида ахборот берди. Венгрия Социалистик партиясининг президиуми съездни икки босқичда ўтказишга қарор қилди. 26—27 май кунларига режалаштирилган биринчи босқич чоғида партиянинг сиёсий йўлини ишлаб чиқиш, ВСП Уставига тузатишлар киритиш, унинг раҳбариятини сайлаш режалаштирилмоқда. Шу йилнинг кузида ўтказилиши мўлжалланган иккинчи босқич давомида ички партиявий мунозара негизида ишлаб чиқилган партиянинг янги стратегик программаси муҳокама қилинади.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

КИМОШДИ САВДОСИДА ДАВЛАТ АВТОМОБИЛЛАРИ

● БРАЗИЛИЯ Президенти давлат аппаратидаги 2 мингта энг қиммат автомобилларни кимошди савдосида сотиш ҳақида кўрсатма берди. Маълум бўлишича, ҳозирги пайтда давлат ташкилотлари автомобиль паркида 34 мингга яқин автомобиль бор экан. Яқинда давлат бошлиғи этиб сайланган Фернандо Коллор де Мелло 11 вазирликни тугатиб, 60 минг раҳбарга транспорт хизмати учун кетадиган маблағни камайтиришга буйруқ берди. Бразилия Президенти расмий вакилининг айтишича, бу тадбир амалга оширилгач, мамлакат ҳар йили 500 миллион доллар иқтисод қилиши мумкин.

ТОПИШМОҚЛАР МУЗЕЙИ

● ВЕНГРИЯНИНГ Печ шаҳридаги музей архивида 120 мингта топишмоқ сақланади. Уни Ласло Мандони исмли этнограф — олим 25 йил давомида тўплаган. IV асрда лотин тилида ёзилган топишмоқ энг қадимий ҳисобланади.

ҲАЙВОННИ ХЎРЛАМАНГ


● ИНСОН ҳайвонни хафа қилиши мумкин эмас, ўз уйидаги итни хўрлаш эса ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Массачусетс штатидаги (АҚШ) Лоуэлл шаҳрида яшовчи 19 ёшли Кэвин Десхин шу оддий ҳақиқатни унутганди. Маҳаллий ҳакам занжирга боғланган итини бир неча марта тепгани учун Кэвинни 6 ой қамоқ жазосига ҳамда 500 доллар жарима тўлашга ҳукм қилди. Бир куни Десхин овчаркасини тепаётганини кўриб қолган қўшниси воқеани суратга олиб, ҳайвонларни ҳимоя қилиш шаҳар жамиятига топширади, улар ўз навбатида суратларни судга беришади.

Судда Десхин ит ҳовлини кўп ифлослантирмаслиги учун уни калтаклагандим, деб ўзини оқламоқчи бўлди. Адвокатнинг фикрича, «жабрланувчи» қаттиқ жароҳат олмаганлиги туфайли, ҳимоясидаги киши жазоланмаслиги керак. Судни олиб борувчи ҳакам адвокатнинг сўзларини нотўғри ҳисоблаб, Кэвин ишини жиноят деб топди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Халқимнинг ёдига тушди кимлиги

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР, ТИЛ ВА БАЙНАЛМИЛАЛ ТАРБИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ КОТИБИ, ШОИР КАРИМ БАҲРИЕВ БИЛАН МУСОҲАБА.



— Карим ака, суҳбатимизнинг кўпчиликни ларзага солган «Ой бориб, омон қайтмаган болам...» мақолангиздан бошласак. Шу мақолангиз давомида яна нималар дея оласиз?

— Армия ўзи нима? Уставда, армия совет халқини ташқи душмандан ҳимоя қилади, деб ёзилган. Мана, 45 йилдирки, «ташқи душман»дан дарак йўқ. Ҳануз уни енгишга тайёрланамиз. Йиллар давомида, капитализм бизга душман, у бизни янчиш учун доим қиличини қайраб келаяпти, деб халқимизни қўрқитиб келишди. Бу нима учун керак эди? Душман кучини қанчалик катта қилиб кўрсатишса, демак, шунча кўп қурол-аслаҳа лозим бўлади. «Қўрққанга қўш кўринар» деганларидек, мамлакатимизни «ташқи душман» хавфидан асраш учун жуда катта армия сақлаб келишяпти. Мабодо, «душман» хавфи бўлса ҳам, ҳозирги шароитда бундай катта армияни сақлаш бефойда. Қўшинимиз қисқарди, аммо ҳозирги сони ҳам анча салобатли.

Яқинда Вильнюсда бўлдик. Шаҳар марказида фанердан ясалган уй бор. Унинг ичида армияга боришдан бош тортиб, очлик эълон қилган йигитлар тўрт ойдан бери навбатма-навбат алмашишиб, Литва болалари ўз ҳудудида хизмат қилишсин, деб талаб қилмоқдалар. Шу уйнинг ёнида фанердан қабр ясаганлар ва шу қабрнинг тагида ҳар куни даста-даста гуллар туради. Қабрга, Улуғ Ватан уруши давридан то шу кунгача — 45 йил ичида армияда ўлган 138 литвалик йигитнинг номлари битилган (саноққа Афғонистонда ҳалок бўлганлар кирмайди). Ўзбекистонга ўтган йилнинг ўзидаёқ 430 йигитнинг тобути келган. Афғонистонда 10 йил ичида бир ярим мингдан зиёдроқ йигитларимиз нобуд бўлганди. Шу ўн йил ичида келганига тенг тобутлар мамлакат ичкарисидан 3 йилда келди. Ҳарбийларнинг айтишича, тобутларнинг келиши, (430 та) ўтган йили олдинги йилларга нисбатан камайибди. Мен баъзан ўйлаб қоламан: ўтган 45 йил ичида мамлакат ичкарисида ўлган йигитларимизнинг Литвадагидек ҳар-бирини номини ёзиб чиқиш учун шундай катта бир девор керак бўлардики, унинг узунлиги шаҳримиз марказидаги Ленин проспектининг деворига тенг бўларди. Қабрларнинг ҳар бирига бир дастадан гул қўйиш учун бизга шундай бир гулзор керак бўлардики, унинг кенглиги Ўзбекистондаги пахта экилган майдонлар билан тенг бўлса, ажаб эмас...

Яна бир «ҳарбий сир» деган аҳмоқона тушунча бор. Тушунаман, аллақандай ҳеч қаерда йўқ қурол ё стратегик объектлар ҳарбий сирдир. Лекин, аскар қанча овқат ейди, кунлик овқати неча пулга тушади, қанча ойлик олади, нега у калтак еб ўлаяпти, бу — «ҳарбий сир» бўлолмайди.

— Бу масала сессияда ҳам муҳокама этилди-ку!

— Чунки, гапирилмаслиги мумкин эмас эди. Бошқа масалаларда баҳслашиб кетган депутатларимиз бу масалада якдиллик билан (бир-икки ҳарбий мутахассисларни ҳисобламаганда) чиқиш қилдилар. Фожиа улкандир. Менинг назаримда ҳарбий депутатлар билан фуқаро депутатлар ўртасида ноўрин тушунмовчилик келиб чиқди. Фуқаро депутатлар ҳарбий хизматда тартибсизликлар ҳаддан зиёд кўпайганини, одамлар қурбон бўлаётганини гапирсалар, ҳарбий депутатлар. «Ўзларинг мактабларда болаларни тарбия қилмаяпсизлар, нимжон, қувватсиз болалар ўстиряпсизлар», деб айтишди. Икки гапда ҳам ҳақиқат бор. Албатта, экологик муҳитнинг таъсирида болалар нимжон бўлиб қолмоқдалар. Оталари қашшоқлиги туфайли меҳнат қилишиб, дарсдан қолмоқдалар. Бунинг оқибатида, тил билмайдиган, билимсиз бўлиб ўсмоқдалар. Лекин биз ҳарбийлардан йигитларимизни билимли қилиб беришларини талаб қилаётганимиз йўқ, тирик қайтариб беришларини сўраяпмиз, холос. Билимсиз, нимжон йигитларни ҳам ўлдиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Мен қабул қилиниши керак бўлган қарорга икки-уч таклифлар киритдим. Биз ҳарбий қисмларда миллий низолар бўлаётганини айтишдан аввал, уларни келтириб чиқараётган сабабларини ҳам таҳлил қилишимиз лозим. Бу низолар, келиб чиқишининг сабабларидан бири марказий матбуотларда Фарғона воқеаларини, қолаверса, турғунлик йилларида Ўзбекистонда кечган салбий ҳолатларни бир томонлама, кўпиртириб талқин қилиниши эканлиги сир эмас. Мен қарорда бу ҳолат қайд этилиши ва қораланиши зарур, деб ҳисоблайман. Миллий низолар чиққан ерларда аскарларнинг ишлатилиши армиянинг обрўсини туширади, тузумимиз ҳақида зулмкор, деган тасаввурни уйғотади. Бундай амалиёт қораланиши керак. Бу ҳолат ҳам қарорда акс этиши лозим. Ахир низолар ўртасига ташланган аскар истайдими-йўқми, қурол ишлатишга мажбур. У одам ўлдириши ҳам мумкин. Шу ҳолатни ҳисобга олиб, ички қўшинларга аскарликни кўнгилли қилмоқ керак. Агар бўлажак аскар қўлига қурол олиб ўз халқига қарши боришни истамаса, уни ҳарбий қасамёд баҳонасида қотилга айлантирмаслик керак.

Энг кечирилмас нарса ушбу қарорнинг сессияда қабул қилинмай, яна комиссияга қайтарилганидадир. Маълумотларга кўра, ҳар куни бир-икки тобут келмоқда. Масалани олти ой кечиктириш, яна юз эллик — икки юз йигитнинг тобути демакдир. Қарор тезроқ қабул қилиниши керак эди.

— Бўлиб ўтган сессияни жумҳуриятимиздаги биринчи демократик сессия деб атамоқдалар. Сиз бу фикрга қандай қарайсиз?

— Аслида жасорат ҳам нисбий тушунча бўлса керак, деб ўйлайман. Бундан беш йил аввал энг соҳир шеърларнинг мағзига жойлашган «эрк», «эркинлик» сўзларини ҳам териб олиб ташлашарди. Бугун «эрк» сўзи, «мустақиллик» сўзи жумҳурият пойтахтига ўрнатилган минбардан айтилмоқда. 80-йилларнинг бошларида чойхонада ўтириб, «озодлик» дейиш ҳам жасорат бўлса, бугун Олий Кенгаш минбаридан туриб айтиш ҳам одатдаги бир ҳолдир. Албатта, бу сессия аввалги даврларда ўтган анжуманларга қараганда ўта жасоратли сессия бўлди. Лекин мамлакатда кечаётган сиёсий ўзгаришлар миллий жумҳуриятда миллий онгнинг уйғонишига РСФСР, Болтиқбўйидаги демократик жараёнларга қиёсланадиган бўлса, ўта ибтидоий, тарқоқ сессия бўлди.

Рости гап, бошқача бўлишини кутганимиз ҳам йўқ эди. Ҳар ким пиширган ошини ичади, дейдилар. Элимиз номзодларга овоз бераётиб, ҳар доим ҳам тақдирини кимнинг қўлига топшираётганини ўйламаётган кўринади. Авваллари «ўз касбининг усталари» — илғор сут соғувчилар, чўпонлар, «минг килограммчи теримчилар»... Олий Кенгашнинг депутатларини ташкил қиларди. Ҳамма «оламшумул қарорлар» ана шуларнинг тантанали сукути билан, қирда очилган лолалардек қизил мандатларини оммавий кўтариши билан тасдиқланиб кетаверарди. Бу гал ўз касбида илғор, аммо сиёсатдан бехабар депутатлар сони камайди. Лекин уларнинг ўрнини тўлалигича мансабдор депутатлар эгалладилар. Шунинг учун мен ушбу сессияда ана шу кишиларнинг қаршилигини кутган эдим ва шундай бўлди.

Тўғри, қатор ижобий ишлар қилинди. Фирқанинг раҳбарлик роли ҳақидаги моддалар жумҳурият Конституциясидан олиб ташланди. 1990 йил 24 мартидан бошлаб, барча сиёсий фирқалар ва халқ ҳаракатлари қонун олдида тенгдирлар. Жумҳуриятда кўп фирқаликка қонуний рухсат берилди. Бу сессиянинг юзини ёруғ қиладиган, келгуси авлод олдида мақтанса бўлгулик ҳолдир. Ўзингиз эсланг, нималар кечмади? Турғунлик йилларидан бир мисол: каттагина бир амалдор водийдаги вилоят рўзномасида босилган «Она тилим» шеъри учун муҳаррир ўринбосарини мажлис қилиб, фирқа сафидан ўчиришни таклиф қилган. Оғир сукутни қўрқа-писа бузган рўзнома адабий ходими: «Ахир Гамзатов ҳам «Она тилим» деган шеър ёзган — она тилим йўқолар экан, менинг ҳаётим ҳам тугади демак!» — дея хитоб қилган деса, жазаваси қўзиган ўша амалдор бақириб: «Зудлик билан ўртоқ Гамзатовни чақиринглар, бира тўла униям фирқадан ўчирворамиз!» — деган экан...

Гарчанд, ҳадиксираб, хавотир билан бўлса-да, жумҳуриятнинг иқтисодий мустақиллиги йўлида илк қадам қўйилди. Дарвоқе, иқтисодий мустақиллик хусусида... Яккаҳокимлик ва ўта марказлаштириш тузумини синдиришга киришган эканмиз, ишни охиригача етказмоқ лозим. Ёмғирдан қочиб, дўлга дучор бўлдинг, деганларидек, ҳокимиятни Москвадан олиб, Тошкентга топшириш деҳқоннинг аҳволини енгиллаштирмайди. Деҳқон учун нонини «туя» қилаётган киши Москвада ўтирди нима-ю, Тошкентда ўтирди нима?! У фақат, нонимни ўзимизнинг ўзбек амалдори еяпти-ку, деб таскин топиши мумкин, холос. Масалан, Самарқанд вилоятида Иттифоққа ва жумҳуриятга бўйсунувчи корхоналар мавжуд экан, қандай мустақиллик ҳақида гапириш мумкин? Хўш, раҳбар ким? У элнинг эгасидир. Ана шу раҳбар, ўз халқига ҳеч бўлмаса, очдан ўлиб қолмаслик имконини бериши керак. Модомики, ҳали жумҳуриятнинг қайси бир чеккасида сариқ касалдан гўдаклар ўлаётган экан, юртнинг ягона денгизи — Оролга бирор томчи сув тушмаётган экан, бирор бир рўзғор эгаси қора кўз фарзанди хўрозқанд сўраса, қуруқ чўнтагига муштини солиб, тунд ўтирган экан, эл раҳбари минбарга чиқиб демократия билан мақтаниши мумкин эмас. Жумҳурият раҳбари ўз ҳудудидаги Иттифоққа бўйсунувчи 497 корхона даромадининг чорагига эга эмас экан, у халққа бундай кафолатни қандай беради?! Вилоят раҳбари-чи? Самарқанд вилоятидаги Иттифоққа бўйсунувчи корхоналар вилоят хазинасига (хазина дейишга ҳам уяласан киши) фойданинг бор-йўғи 8 фоизини ўтказадиган бўлса, халқ қандай қилиб яхши кун кўради?! Ноҳияларда ҳам шу аҳвол. Ургут ноҳиясининг бир йиллик ялпи маҳсулоти 193 миллион сўмга тенг. Соф фойда 43 миллион сўмдир. Ана шундай маҳаллий «хазина»га бор-йўғи 11 фоизи қолади, холос. Бу аҳволда 240 минг аҳолиси бор ноҳияни қандай қилиб боқиш мумкин?! Агар мен саккиз жамоа-давлат хўжалигидан Олий Кенгашга сайланган бўлсам, шулардан бирига бирон нарса қурдириш учун қолган еттитасининг ҳақидан тортиб олиб бериш керак бўлади. Чунки ҳозир жамоа хўжалиги ноҳияларнинг хазинаси катта қурилишларни кўтаролмайди. Ўша пуллар билан ҳеч қачон халқнинг аҳволини яхшилаб бўлмайди. Мана Ургут ноҳиясининг сарҳадидан газ қувури ўтиб кетади қаёқларгадир. Лекин шу ерда 0,8 фоиз хонадон табиий газ билан таъминланган бўлса, 99,2 фоизи таъминланмаган. Яқин йиллардаги режада бор-йўғи 1200 хонадон газлаштирилмоқчи. Тасаввур қилингки, эртага сўрайди одамлар: «Хўш, депутат, нима қилдинг, ўзи, нимага газлаштириб бермадинг» — деб.

Ноҳияда аҳоли йилига 10 минг кишига кўпаймоқда. Ҳозирда 32 минг ишсиз бор. Суғориладиган ерлар кам. Масалан, «Ўзбекистон беш йиллиги» жамоа хўжалигида 13 минг кишига жамоа хўжалигига тегишли 225 гектар ер бор, холос. «Октябрь», К. Маркс номидаги, «Уч қаҳрамон» хўжаликларида ҳам шундай. Жамоа аъзоларига томорқа ерлари ажратиладиган бўлса, жамоа хўжалигини тугатишга тўғри келади. Шундай қилиш ҳам керак. Бўлиб ўтган сессияда жумҳуриятимизнинг бош вазири Ш. Р. Мирсаидов Москвадаги Иттифоқ Давлат план қўмитасини Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони»даги Фармонбибига ўхшатиб, тўғри баҳо бердилар. Эсингиздадир, Фармонбиби келинларидан ҳар ойнинг охирида маошини йиғиб олиб, кейин бировига пардозга 3 сўм, бировига 5 сўмни ялинтириб-ёлвортириб беради. Москва ҳам жумҳуриятлардаги корхоналарнинг даромадларини аксарият қисмини йиғиб олади-да, кейин жумҳуриятлар «қайнона»ларининг олдига — Москвага бориб, пул ундиришга уринадилар.

Бу ёғини олсак, ўзимизнинг сессияда ҳам кўпчилик депутатлар Фармонбибининг «келин»лари ҳолига тушдилар. Ҳар қайси депутат минбарга кўтарилар экан, ўз мавзесидаги камчиликларни тугатиш учун нимадир сўради. Ҳатто бир депутат лўнда қилиб: «Бизнинг жамоа хўжалигига битта «Беларусь» трактори олиб берсангиз, овоз бераман», — деди. Ҳа, биз майда муаммоларни чуваластириб, уларнинг ҳақиқий сабабларини кўролмай қоляпмиз. Сессияда ҳукумат аввалги таркибини тасдиқлаб юборди. Энди уларнинг инсофидан, иш услубини ўзгартиришидан умид қилмоқ керак. Ўйлайманки, депутатлар томонидан шафқатсиз тарзда саволларга тутилган вазирлар энди аввалгидек боқибеғамлик билан ишламасалар керак. Халқ тақдири ҳал бўлаётган бир пайтда олдингидек ишлашга уларнинг ҳаққи ҳам йўқ.

— Рост айтасиз, сессияда маиший муаммолар орқасида ҳокимият масаласи, сиёсий фикрлар оқими сезилмай қолди. Четдан бизга шундай туюлди.

— Ичкаридан туриб буни кузатиш менга сизлардан кўра икки баравар оғирроқ бўлди. Ўз вақтида аралаша олиш имкони йўқлиги, сўз сўраб ёлворишлар, залдаги қичқириқлар парламент ишини сусттлаштирди. Ўзига хос ғалати қарама-қаршилик кўзга ташланди: биринчидан, майда маиший муаммолар (йиқилган мактаблар, танқис моллар, нарх-наво ва ҳоказолар...) ҳақида гапириб, уларни келтириб чиқарган сабаб, мавжуд иқтисодий система эканлигини, ҳокимият ўзгармаса, аҳвол яхшиланмаслигини унутдик; иккинчидан, ҳамманинг оғзида юрган катта муаммоларнинг орқасида кичик кўламдаги, аммо зарур муаммолар ҳам кўринмай кетди.

— Нималарни назарда тутаяпсиз?

— Масалан, халқнинг соғлиғини еб қўйган — пахта ва пахта симириб қўйган — Орол ҳақида гапирдиг-у, Зарафшоннинг аҳволи ҳақида индамадик.

Ургут жумҳуриятдаги тамакичиликка ихтисослашган якка-ю ягона ноҳиядир. Тамаки ҳақида Олий Кенгашда гапириш, шу нуқтаи назардан, бир ноҳияга тегишли, кичкина гапдай туюлиши мумкин. Лекин сўз чорак миллион аҳоли тўғрисида бормоқда. Ҳаммангиз сигарета қутисидаги ёзувни ўқиган бўлсангиз керак. Бир грамм никотин отни ўлдирар экан. Бир-икки тонна тамаки етказиб берадиган ургутлик рўзғорини тасаввур қилинг. Битта тамакикорда бир йилқи отнинг кучи бор бўлса керак. Яна меҳнатнинг 90 фоизи қўлда бажарилади. Тамаки нархи биринчи навга беш ярим сўмдан тушмоқда. Ҳолбуки, бир килограмм тамакидан Краснодарда қайта ишлаб, маҳсулот чиқараётганлар 24 сўм фойда олмоқдалар. Пулнинг қадрсизлигини бунинг ёнига қўшадиган бўлсак, тамаки нархининг тезда икки баробар оширилишини ҳукуматдан талаб қилишга юз бор ҳақлимиз.

Ҳокимиятни маҳаллий Кенгашларга бериш изчил ва охиригача олиб борилиши ижтимоий адолатсизликка чек қўйса керак... Биз Иттифоқ тасарруфидаги корхоналарни ўз тасарруфимизга олар эканмиз, жумҳурият тасарруфидаги корхоналарни ҳам маҳаллий Кенгашларга бермоғимиз лозим. Ургутда Самарқанд шойи тўқиш фабрикасининг филиали бор. Бу корхона штапель газламасининг асосини ишлаб чиқаради. Давлат бир метр маҳсулотга 38 тийин тўлайди. Кейин уни Самарқандга ё Марғилонга олиб бориб гул босади-ю, икки-уч сўмдан пуллайди. Қани инсоф?! Ургутдаги филиал қарздан чиқолмайди. Шу ернинг ўзида гул босиш цехи қурса бўлмайдими? Ахир минглаб ёшлар ишсиз. Ургутда вольфрам ишлаб чиқарувчи Ингичка кон бошқармасининг филиали ҳам ишлаётир. Бу корхонанинг даромади ҳам, иқтисодий кўрсаткичлари ҳам сир тутилмоқда. Ургут халқи у ёқда турсин, ноҳия раҳбарлари ҳам бу «сир»дан бехабар. Ахир мавжуд қонунлар корхона даромадининг 20 фоизини маҳаллий бюджетга ўтказишни тақозо қилади. «Самарқандмармар» бирлашмаси, «Меҳнат» фабрикаси ҳам худди шундай йўлни тутмоқдалар. Улардан ургутликлар бир тийин ҳам манфаат кўрмаяпти.

Шу пайтгача бўлган иқтисодий тузумнинг хатоси шундаки, меҳнат кишиси ўз фаолиятининг мевасидан бегоналаштириб юборилган. У «умумхалқ манфаати», «порлоқ келажак» ҳақидаги шиорлардан илҳомланиб бир умр ишлаёлмайди. Энди меҳнаткаш қилаётган ишидан бевосита ўз турмуши ҳам боғлиқлигини англаши керак. Биз «порлоқ келажак»ни кутаверib чарчадик. Бир-икки авлоднинг умри ўтиб кетди. Эндиги авлоднинг умри ҳам ана шу «интилиш»да ўтмаслиги учун бозорга асосланган янги иқтисодий муносабатлар йўлга қўйилиши лозим. Биз яқин бир-икки йил ичида фаровонлик юз бермаслигини, эҳтимолки, нархлар кўтарилишини халққа очиқ айтишимиз керак.

— Карим ака, сиз зиёлиларнинг вакилисиз. Сессияда маданият масалалари ҳақида деярли гапирилмади. Ёки муаммолар йўқмиди?

— Маданиятнинг ўгай бўлиб қолаётгани бизнинг энг улкан хатомиздир. Бу соҳага бошқалардан қолган маблағларнинг урвоқлари тегади. Маданият давлатга қимматга тушади. Аммо маданиятсизлик ундан ҳам қимматга тушяпти-ку? Ғалати бир ўхшатиш қилайлик: биз заҳарли кимёвий моддалар ишлаб чиқариб, ундан келган, «фойда»ни шу дорилар касал қилган кишиларни даволашга ишлатамиз. Худди шундай, биз мактабга, китоб чоп этишга, театрга пул бермаймиз-у, милицияга жиноятчиликка қарши курашиш учун пул тўлаймиз. Ҳолбуки, мактаб кучли бўлса, яхши китоблар чоп этилиб, ўқилса, жиноят камайган бўлармиди. Шунинг учун маданиятга чап кўз билан қараш — кечирилмас ҳол. Нима учун қабул қилинган яхши қарорлар ҳам самара бермаяпти? Чунки, маданиятсиз заминда ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсийислоҳот амалга ошмайди. Маданияти бут ерда ёмон қарорлар ҳам тўғри йўлга солинади. Маданиятсиз жойда яхши қарорлар ҳам фойда бермайди. Токи биз элнинг кўнглини кўтармас эканмиз унга мачитлар ва китобларини қайтармас эканмиз, уни маънавий юксакликка кўтаролмас эканмиз, ҳеч қандай ислоҳот бизни инқироздан қутқариб қололмайди.

— Модомики, гап маданият ҳақида борар экан, Давлат Мадҳияси (Гимни) ҳам жумҳуриятимизнинг маънавий савиясини билдирувчи бир белгидир ЎзССР Мадҳияси кейинги сессияда қайта кўриб чиқиладиган бўлди. Шу ҳақда фикрингиз?

— Бу иш жуда кечикиб бўлса-да, амалга ошаётгани қувончли ҳодиса. Жамоатчиликнинг, зиёлиларнинг, деҳқон ва ишчиларнинг кўп йиллардан буён изҳор этиб келинаётган орзулари амалга ошадиганга ўхшайди. Аввалги Мадҳиянинг биринчи сатридаёқ турғунликнинг нишонаси эканидан далолат бериб турарди. У: «Ассалом, рус халқи, буюк оғамиз» деб бошланади. Ўзингиз тасаввур қилинг, ҳар куни эрталаб соат олтида туриб, бир халқ ўз иш кунини иккинчи халққа таъзим қилишдан бошлайди. Рус оғайниларим ҳам менга бир неча бор: «Қачон Гимнни ўзгартирасизлар, биз ҳам хижолат бўляпмиз!» — деб айтишган. Рус халқининг буюклигига шубҳа йўқ, лекин ўзбек халқи ҳам ундан кам эмас. Иттифоқ Мадҳияси «Ассалом, ўзбек халқи...» деб бошланишини тасаввур қиласизми? Бир вақтлар мен «Эврилиш» номли шеър ёзган эдим. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида (1988 йил, 22 апрель) босилиб чиққан бу шеър шундай бошланади:

> **Бугун азон эмас, уйғотар**
> **Гимн.**
> **Мачитга киришга билет**
> **керакдир.**
> **Совутларни қуйдик йўлакка**
> **ташлаб,**
> **Жанггоҳларга пахта экиб**
> **ташладик...**

Мен сессияда Мадҳия ҳақида қисқача сўзламоқчи эдим.

— Сўз беришганда нималар ҳақда гапирган бўлардингиз?

— Мен навбатдаги сессияда янги Мадҳия қабул қилингунча ҳозирги сийқа Мадҳиянинг ижросини тўхтатишни таклиф қиламан. Масалан: унинг ўрнида ҳар тонг «Ушшоқ» ёки «Муножаат»ни ижро этиб туриш мумкин. Қабул қилиниши керак бўлган янги Мадҳияни яна симфония, ораториячиларга эмас, дейлик, «Шашмақом»нинг «Наво» ёки «Рост» мақомларининг бир мусиқаси йўлида ёзилса, яхши бўларди. Янги Мадҳия сўзи учун ошкора конкурс эълон қилиш ҳамда матбуот саҳифаларида эълон қилиб борилиши лозим.

— Миллий ғурур сўзини ҳар ким ҳар хил талқин этади. Сиз миллий ғурур деганда нимани тушунасиз?

— Энди биз «уни ошириб беринг, буни тушириб беринг» деган тиламчиликдан ор қилишимиз керак, миллат сифатида. Чунки, ерини йўқотиш миллат учун фожиа эмас — бир кун келиб қайтиб олади, иқтисодий-сиёсий қуллик ҳеч нарса эмас, миллат учун — иқтисодий қулликдан меҳнат қилса, сиёсий қулликдан инқилоб қилса чиқиб кетади. Миллатдаги энг катта фожиа миллатдаги миллий ғурурнинг йўқолишидир. Биз у нарсани сўраб олиб, бу нарсани сўраб олиб, ўз миллий ғуруримизни йўқотганмиз. Одамда катта фожиа эрксизлик эмас, эрксизликка кўникиб қолиш, эрксизликка шукр қилиш. Агар одамларда эрксизликка кўникмаслик туйғуси мавжуд экан, ҳали бу миллатнинг ўлмаганидан далолат беради. Шунинг учун ҳозир кимдир ўз ҳаққини талаб қилар экан, «вой, бошларинг балога қолмасмикан?» — деб титраб ўтиришга ўхшаш, қўрқув психологияси мавжудлигини билдиради.

— Достоевский: «Мен ҳурлик ҳақида гапирдим. Бироқ бизда ҳурликни севадиларми, —йўқми—мана гап қаёқда» деган эди. Жумҳуриятимиз 70 йилдан бери фақат «хом ашё базаси» сифатида ишлатилиб келинмоқда. Демак, биз тезликда яккаҳокимликдан қочишимиз зарур. Жумҳурият бойликларини миллийлаштирмасдан, жуда бўлмаса, ўртача саноатга эга бўлмасдан туриб, мустақиллик ҳақида гапириб бўлармикин?

— Тасаввур қилинг, ҳозир Болтиқбўйи жумҳуриятларини қўрқитишяптику: «Агар мустақил бўлсанглар, оч қолиб кетасизлар. Чунки, саноатларинг фақат хом ашёни қайта ишлашга мослашган, хом ашёнинг ўзи йўқ», деб. Бунда, биз миллий туйғуни тушунишимиз керак, яъни Болтиқбўйи жумҳуриятидагилар қарам бўлгандан кўра, оч ўтиришни маъқул кўрадилар. Иккинчи томондан, системамизнинг ўзи шунақа аҳволга солиб қўйган. Ўйлаб кўринглар, пилланинг сотиш нархи 16 сўм, ҳар қандай хўжалик пилла етиштириш учун 21 сўм сарфлайди. Энди жумҳуриятга пилла етиштириш мажбурияти юкланади. Жумҳурият бир тонна пилла етиштириш учун 21000 сўм сарфлайди, 16000 сўмга сотади. Яъни у 5000 сўм зарар қилади. Тасаввур қилинглар, хўжалик икки тонна етиштирадиган бўлса, 10000 сўм зарар қилади. Бу ҳеч қаерда йўқ мисли кўрилмаган қароқчилик. Қанча кўп етиштирса, шунча кўп зарар кўрганларини бундан бошқа қаерда кўргансиз?

Агар Совет федерацияси адолатли жамият тузса, жумҳуриятлар орасида шартномалар йўлга қўйилса, биз улар билан алоқаларни узмаймиз. Истайсизми-йўқми, жумҳурият мустақилликка ўтади. Фақат иқтисодчилари ландовуррок жойлар бундан ютқазиб қўйишлари мумкин. Бу яқин ўн йилларга таъсир қилмай қолмайди. Биз ҳозирданоқ нимани қаёққа, қайси нархда сотишдан аввал, «ўзи бизнинг нимамиз бор?» деган саволга аниқлик киритиб олишимиз даркор. Модомики, шу иттифоқнинг ичида эканмиз, қонунларимизда ҳам, ишларимизда ҳам СССРнинг янги Конституциясининг таъсири бор. Мана, яқинда ер ҳақидаги қонун кучга кирди. Шу Ўзбекистоннинг ери Иттифоқ ери ҳисобланса, айнан биз ўтирган жойга, дейлик, РСФСР, ё Қозоғистоннинг ҳам ҳаққи бор.

Демак, ер Иттифоқнинг ери, шаксиз, сизнинг ҳам мулкингиз. Лекин, уй — давлатнинг уйи, сув — давлатнинг суви, ҳаво — давлатнинг ҳавоси... тўсатдан шундай ерда туғилиб қолганингизда, «Мен ҳам давлатники эмасмикинман?..» деган ҳадиккаям борар экансиз...

— Сўнгги савол. Мана, сиз халқ депутати этиб сайландингиз. Энди жумҳурият Олий Кенгашининг комиссияси котиби бўлдингиз. Бу ишлар Сизнинг ижодингизга монелик қилмайдими?

— Бир дўстим масалани сизлардан ҳам кўндаланг қўйди: «Ҳукумат сизни амал бериб сотиб олмадими? Ўткир мақолалар ёзар эдингиз, жумҳурият Олий Кенгашига ишга ўтибсиз, энди дадил мақолалар ёза оласизми?»

Бугун гап ижод ҳақида эмас, халқ тақдири устида бораяпти. Хўш, биз ким учун ижод қиламиз? Эл учун. Агар элнинг тақдири хавф остида экан, биз сиёсат билан шуғулланишга мажбурмиз. Бизнинг ижодимиз эртага қолиши учун, халқнинг ўзи эртага қолиши керак. Энди, ростини айтганда, ижод тўсатдан ёққан ёмғирга ўхшайди. Қайси амалдор ёмғирни тўхтатиб қолган?!

Хўш, мен парламентда ишлайтуриб ҳам жасур мақолалар ёза оламанми? Биринчидан, жуда кўп мавҳум саволларга шу ерда жавоб топаман, иккинчидан, сиёсат ва иқтисодиёт масалалари ҳал этилишида бевосита қатнашишга тўғри келади. Агарда сўраган кишилар: «Дадил бўлсангиз, мансабингизни олиб қўйишади» — деб ўйласалар, мансабнинг катта-кичиги бўлмайди. Қўрққан киши, жамоа раиси ёки ҳаммом бошлиғи бўлганда ҳам қўрқаверади. Шу пайтгача амални ўйлаганим йўқ. Бундан кейин ҳам ўйламайман.

— Ишлаб чиқариш хусусидаги мажлисда ўтириб шеър ҳақида ўйлаш мумкинми!..

— Агарда кўнгилда ҳислар тирик экан, ёзса бўлади. Энг охирги шеърим ҳам севги ҳақида. Келинглар, хайрлашув олди, ўқиб бера қолай:

Сазо

Коинот поёнсиз ва қоп-қорадир,
Замин қоронғуда кетиб борадир.
Одам шамдай ёниб-йитиб борадир —
Кўзларимга
Нур бўл, севгилим.

Дунё жуда кенгдир, жуда каттадир,
Одам кўп — ҳар ёнда куйиб ётадир.
Одам кўп — жаҳонда Карим биттадир —
Юрагимга
Қўр бўл, севгилим.

Туплар чақиради юлдузлар имлаб,
Учолмайман, ерга тортади кимлар...
Менинг умрим ўтди кишанда йиғлаб,
Сен озод бўл,
Ҳур бўл, севгилим.

Мусоҳабани ОБИДЖОН ва ЖАҲОНГИР олиб боришди.

Бепоён менинг Ватаним



«Союзгосцирк» Бутуниттифоқ ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибидан Ю. Куклачёв ва В. Головко бошлиқ жамоалардан сўнг Арманистон, Молдавия, Украина, Россия жумҳуриятларининг цирк артистлари гуруҳлари ҳам ажралиб чиқишди. Улар «Муза» Бутуниттифоқ давлат кооператив бирлашмаси қошида «Муза цирки» мустақил труппасини ташкил этишди. Унга Вячеслав Расшивкин — Старший раҳбарлик қилмоқда.

Айни кунларда бу янги жамоа программалари томошабинларда катта қизиқиш уйғотяпти.


Суратда: «Муза цирки» томошаларидан бир лавҳа.

Профессионал журналистлар ўртасида бўлиб ўтган «Мен нега космосга учишни хоҳлайман» мавзусидаги беллашувдан сўнг, 40 журналист кейинги босқичга лойиқ топилди. Улар беллашувдан сўнг СССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги тиббиёт-биология муаммолари институтида, ҳар томонлама тиббий кўрикдан ўтдилар.

40 журналистнинг сўнггиси бўлиб кўрикдан ўтган Н. Луценко ҳам, тиббиётчилардан «оқ йўл» олишга эришди. Н. Луценко яқинда АҚШнинг Хантсвилл шаҳри (Алабама штати)да бўлиб ўтган Совет-Америка космик кенгашида иштирок этганди.

Суратда: СССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт-биология институти ходимлари тиббий кўрикдан ўтказувчи янги ускуналарни синовдан ўтказмоқда.

ТАСС суратлари.



Халқаро ҳамкорлик

Шаҳзода Оғахон мутасаддилик қилади

Самарқанд шаҳрида буюк маърифатпарвар олим Мирзо Улуғбек туғилган кунининг 600 йиллигига Улуғбек марказини бунёд этишга қарор қилинди. Улуғбек маркази энг яхши лойиҳаларини рағбатлантириш учун «Оғахон маданият жамғармаси» 100 минг доллар миқдорида мукофот белгилади.

Бу СССР ва Ўзбекистон архитекторлари уюшмаларининг халқаро фонд билан тузган биринчи шартномадир. Ўтган йили Қоҳирада, энг яхши архитектура лойиҳаларига мукофотлар топширилаётганда ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилди.

— Миср пойтахтида пайдо бўлган бу ғоя ҳозирдаёқ аниқ-равшан тус олмоқда, — дейди Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси правлениесининг раиси Т. Қодирова. — Фондга номи берилган Шаҳзода Оғахон Самарқанднинг тарихий обидаларига қад кўтарган қисмида Улуғбек марказини бунёд этишга катта қизиқиш билдирди. Марказ, бизнинг режаларимизга кўра, музей, қобилиятли болалар мактаби, савдо расталаридан иборат бўлиши керак. Бу иншоотлар мажмуи кўҳна шаҳарнинг беназир қиёфаси билан уйғунлашиб кетиши керак. Бунинг учун кўп маблағ талаб этилади, шу боисдан Шаҳзода Оғахон ташаббусга мутасаддилик қилишга қарор берди.

Маданият фонди ва унинг архитектура бўлими 1967 йилда мусулмон шиалари мазҳабига мансуб Исмоилийлар бошлиғи — имом Шаҳзода Оғахон томонидан ташкил этилганди. Фондининг мақсади ижодий фикрларга йўл очиш, шаҳарсозликда миллий анъаналарни ҳамда замонавий ютуқларни ўзида уйғунлаштирадиган архитектурага янги омил бағишлашдан иборат. Фонд ҳар уч йилда бир марта жаҳоннинг етакчи архитекторлари ижодий беллашувининг якунларини чиқаради. Энг яхши лойиҳаларга мукофотлар берилади. Мукофотларнинг умумий фонди 500 минг долларни ташкил этади. Фонд фаолиятини мувофиқлаштирувчи мутасаддилар Муҳаммад Кешавжи билан Эмин Балси ўғлидан фонд фаолияти тўғрисида батафсилроқ гапириб беришни илтимос қилдик.

— Шаҳзода Оғахон май ойининг биринчи ярмида Самарқандга келишни мўлжалламоқда, — деди М. Кешавжи. — Шу мақсадда унинг Ўзбекистонда бўлишига доир турли масалаларни ҳал этиш учун бу ерга келдик. Биз Самарқандда бўлдик. Мазкур шаҳар жаҳон туризмининг етакчи марказига айланиши учун ҳамма асослар бор. Чунки худди шу ерда илмий тафаккурнинг кўп негизларига асос солинган. Бутун дунёда Оғахон фондининг обрўси катта. Унинг асосий мақсади миллати ва динидан қатъий назар кишиларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш, уларни ижодий фикрлашга қизиқтиришдир. Конкурс ҳакамлари кўриб чиқиши учун бундан камида икки йил ва кўпи билан 20 йил илгари амалга оширилган лойиҳалар тақдим этилиши мумкин. Шартлар нима учун бу даражада қаттиқ дейсизми? Биз буни қурилишларнинг барча камчиликларини аниқлаганимиз энг мақбул шартдир, деб ҳисоблаймиз. Муҳокамага бу биноларда ишлаётган одамларни жалб қиламиз. Лекин фонд ўзининг бутун тарихи мобайнида биринчи марта мутасаддилик қилмоқда. Биз буни фондимизнинг Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ижодий уюшмалари билан бундан кейин ҳам ҳамкорлик қилиши учун яхши асос деб ҳисоблаймиз.

— Оғахон фондининг қароргоҳи Женевада жойлашган, — деб суҳбатга қўшилди Э. Балси ўғли. — АҚШ, Канада, Португалия, Буюк Британия, Кения, Покистон, Ҳиндистонда унинг бўлимлари бор. Мувофиқлаштирувчи кенгаш архитектурани ривожлантиришда ташқари учинчи дунё мамлакатларида бир неча халқаро программаларни рўёбга чиқаришга катта эътибор бермоқда. У болаларга ёрдам бериш халқаро фондини жаҳон озиқ-овқат программасини маблағ билан таъминлашда фаол қатнашмоқда. Ҳиндистон, Танзания, Кения каби бир қанча мамлакатларда фонд хизмати идоралари икки миллион кишига хизмат қилаётган 200 та тиббий муассасани бошқармоқда.


— Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси ва Оғахон фонди Улуғбек маркази лойиҳаси учун конкурс шартларини эълон қилади, ижодий мусобақа келаси йилгача давом этади. Мувофиқлаштирувчи фикрларига қараганда, ушбу конкурс фақат СССРдагина эмас, хорижий мамлакатларда катта қизиқиш уйғотади. Ғолибни жюри аниқлайди. Шарқнинг буюк олими ва мутафаккири шаҳрида қад кўтарадиган меъморий обида конкурс ғояларининг асосий якуни бўлади.

Л. ЛЕВИН,
ЎзТАГ мухбири.









Биринчи ғалаба

«Пахтакор» командаси ўз майдонида чемпионатнинг дастлабки учрашувини ўтказди. Мавсумни орзиқиб кутган ишқибозлар учун бу ўйин тантанали бошланди. Машҳур аскиячилар, ёш, истеъдодли санъаткорларнинг куй-қўшиқлари, таниқли гимнастикачимиз Венера Зариповнинг намунали чиқишлари... Хуллас марказий стадионимизда футбол мавсумининг очилиши байрамона бўлди. Аммо стадионга кираверишдаги қазиб ташланган хандақлар, тупроқлар уюми, темир-терсаклар, йўлкалардаги оёққа чиппа ёпишаётган лой... Тўғри, стадион ремонт қилиняпти. Янги кучли ёритгичлар ўрнатиляпти. Бироқ бу ишлар бултурги мавсумдаёқ бошланган эди. Стадионга келган томошабинлар ноқулайликларга дуч келишди. Айрим йўлкалар тўсилган, айрим секторларга томошабин қўйилмади. Созлаш ишлари ҳозир ҳам жадал бораётганга ўхшамайди. «Пахтакор» спорт клуби етарли маблағга эга. Фақат унинг раҳбарлари елиб-югуриб, ишбилармонлик билан ҳаракат қилишлари керак. Акс ҳолда стадионнинг ҳозирги манзараси мавсум охиригача ўзгармай қолиши мумкин.

Энди «Пахтакор» — «Ниструу» ўйини ҳақида. «Пахтакор» сафардан бир очко билан қайтганлиги мухлисларга яхши маълум. Футболчиларимиз ўз майдонларида ғалабага эришишлари шарт эди. Лекин биринчи бўлимда ҳисоб очилмади. Командамиз ҳужумларини самарали якунлайдиган ўйинчи бўлмади. Хавфли вазиятлар, бурчакдан тўп тепишлардан пахтакорчилар фойдалана олишмади.

Учрашувнинг иккинчи бўлимида Микляев ўрнига Марат Кабаев тушди. Орадан 5 минут ўтар-ўтмас Марат чап қанотдан ёриб ўтиб, тўпни рақиблар жарима майдончаси томон оширди. И. Шквирин тўпни боши билан уриб дарвоза тўрига туширди. 66-минутда эса меҳмонлар ўйинчиларидан бири ўз жарима майдончасида тўпни қўли билан қайтарди. Ҳакам «Ниструу» дарвозаси томон жарима белгилади. Шквирин моҳирлик билан тўпни дарвозага киритди. Ана шундан сўнг футболчиларимиз дадил ҳаракат қилиб, ҳужумкорликни оширишди. Х. Оганесян учинчи гол муаллифи бўлди. Ҳисоб янада ошиши мумкин эди. Афсуски, Оганесян дарвозабон билан яккама-якка чиқиб тўпни дарвозага тўғри йўналтира олмади.

Шундай қилиб, «Пахтакор» 3:0 ҳисобида ғалаба қозонди. 20 апрелда ҳамюртларимиз турнир жадвалининг пешқадами Запорожьенинг «Металлург» командасини қабул қилишади.

Бошқа ўйинлар натижалари: «Ростсельмаш» — «Локомотив» Г. — 2:0, «Динамо» Ст. — «Факел» — 2:1, «Қайрат» — «Металлург» — 0:2, «Кузбасс» — «Нефтчи» — 0:0, «Геолог» — «Динамо» Сх. — 2:0, «Шинник» — «Кубань» — 3:0, «Спартак» — «Таврия» 1:1, «Котайк» — «Тирас» 3:0.

* * *

СУРАТЛАРДА: «Пахтакор» стадионида футбол мавсумининг очилиш тантаналари ва учрашувдан лавҳалар.

Сураткаш Муҳаммад АМИН.

МУСОБАҚА ЖАДВАЛИ

	У.	Ю.	Д.	М.	Т.	О.
«Металлург»	3	3	0	0	6—0	6
«Нефтчи»	4	1	3	0	5—2	5
«Геолог»	3	2	1	0	3—0	5
«Шинник»	3	1	2	0	4—1	4
«Ростсельмаш»	3	1	1	1	5—5	3
«Пахтакор»	3	1	1	1	4—4	3
«Динамо»Ст.	3	1	1	1	2—3	3
«Қайрат»	3	1	1	1	1—2	3
«Таврия»	4	0	3	1	1—2	3
«Тирас»	4	0	3	1	3—6	3
«Котайк»	1	1	0	0	3—0	2
«Локомотив» М.	1	1	0	0	3—0	2
«Факел»	2	1	0	1	3—2	2
«Кубань»	3	1	0	2	1—6	2
«Зенит»	3	0	2	1	1—2	2
«Нистру»	3	0	2	1	3—6	2
«Спартак»	1	0	1	0	1—1	1
«Кузбасс»	2	0	1	1	0—1	1
«Динамо» Сх.	1	0	0	1	0—2	0
«Локомотив» Г.	2	0	0	2	0—4	0

МУСТАҚИЛЛИК —БОШ ҒОЯ

1990 йил 11 апрелда «Эрк» халқ ҳаракатининг фавқулодда қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда «Эрк» халқ ҳаракати «Эрк» демократик партияси деб эълон қилинди. Ўзбекистон ССР халқ депутати, шоир Муҳаммад Солиҳ «Эрк» демократик партиясининг муваққат қўмитаси раиси этиб сайланди. Мухбиримиз унга учрашиб ушбу воқеани шарҳлаб беришни илтимос қилди.



МУХБИР: «Эрк» халқ ҳаракати ўзини «Эрк» демократик партияси, деб эълон қилди. Сиз шу ташкилотнинг муваққат қўмитаси раиси экансиз. Сизга бир неча саволим бор. Бу партиянинг аъзолари кимлар бўлиши мумкин ва унинг халқ ҳаракатидан фарқи нимада?

М. СОЛИҲ: «Эрк» демократик партиясига унинг бош ғоясини сиёсий эътиқод сифатида қабул қилган, аъзолик бадалини мунтазам тўлаб турувчи, партия анжуманларининг (қурултой, марказий кенгаш, ҳайъат ва ҳоказо) қарорларига тўла амал қилувчи, ёши 20 ва ундан ошган ҳар бир киши аъзо бўлиши мумкин. Партияга ақли заиф, қамоқ жазосини ўтаган (ноҳақ қамалганлар бундан мустасно) одамлар ва оммани зўравонликка чорлайдиган шахслар қабул қилинмайди. Шунингдек, бошқа партияга аъзо бўлатуриб, «Эрк»ка аъзо бўлиш мумкин эмас. Лекин норасмий уюшмаларнинг аъзолари партиямизга кира олади.

«Эрк» ДПнинг мақомига келсак, у халқ ҳаракатлари кўтарганидай кўпроқ ижтимоий эмас, кўпроқ сиёсий масалаларни кўтаради. «Эрк»нинг бош ғояси жумҳуриятни мустақилликка олиб чиқишдир. Унинг олий минбари жумҳурият парламенти бўлиши лозим. «Эрк» ДП ўз фаолиятининг биринчи босқичида янги қонунлар асосида жумҳуриятнинг янги Конституцияси қабул қилиниши учун курашади.

МУХБИР: Мана, КПССнинг янги Низоми ва Ҳаракат дастури эълон қилинди. Унга сизнинг муносабатингизни билмоқчийдим...

М. СОЛИҲ: Албатта, бу ҳужжатларда аввалгиларига қараганда силжиш бор. Аммо, консерватив нуқталар ҳали ҳам кўп, масалан, унда жамиятимизда кўринаётган кўппартиялилик муҳити ҳисобга олинмаган. Буни ҳисобга олмаслик, менимча, КПСС каби ҳоким партиянинг стратегиясини заифлаштиради. Айниқса, бу ҳол Иттифоқ Конституциясидан 6-модда олиб ташланганидан сўнг эълон қилингани ажабланарлидир. Умуман, коммунистларнинг бошқа сиёсий партиялардан чўчишига асос йўқ. Мен бу фикримни исботлашга ҳаракат қилиб кўраман: бугун Куба раҳбари Кастро Совет Иттифоқидаги янги сиёсатни танқид қилаётган бўлса ҳам, Хитой «биз бошқа йўлдан борамиз», деб турган бўлса ҳам, Албания Москов тарафдан келаётган садоларни эшитмаслик учун қулоғини бекитаётган бўлса ҳам, улар батамом Совет Иттифоқига суянадилар. Улар коммунизм ғоясини илк ҳаётга тадбиқ этган мамлакатнинг сиёсий структураси турли хил маданиятга эга бўлган турли халқлар ҳаётига мислсиз даражада боғланганлиги ва бу тугунни ечиш Оврупадаги каби осон кечмаслигини яхши биладилар.

Улар яна бутун Шўролар юртида сиёсий саҳнага чиқаётган халқ ҳаракатлари ва турли партиялар ўзини ўнглаб олгунча, КПСС вақтдан ютиб, ўз-ўзини чиндан ҳам қайта қуришига ишонадилар. Улар биладиларки, бугун эълон қилинаётган янги сиёсий уюшмалар тузилиши жиҳатидан анча мўрт ва кураш тажрибалари кам ва, аппарат қанчалик бюрократик бўлмасин, КПССнинг йиллар давомида шаклланган иш услуби мавжуд ва бу услубга ҳали янги партиялар эга эмас. Шунинг учун ҳам янги уюшмалар фаолияти, асосан, жамиятни демократлаштиришга қаратилган ва улардаги сиёсий ҳокимиятга даъвогарлик яна КПСС аъзолари орқали ўз ифодасини топмоқда. Болтиқбўйи ва бошқа минтақалардаги сиёсий ҳаракатларнинг раҳбарлари аксар коммунистлар эканлиги бунинг мисолидир... Коммунистлар ижтимоий-сиёсий ҳаётни ниҳоятда сезгирлик билан кузатадилар ва вазиятга мослашув қобилияти уларда ўткир. Масалан, Иттифоқ Шўроларининг биринчи Қурултойида радикаллар киритган таклифлар бугун коммунистларнинг программасидан жой олди. Улар халқ ҳаракатлари ва янги партиялар эртага нима талаб билан чиқишини олдиндан кўришга интилмоқдалар. Ҳа, кўп жойларда улар сайловда ютқазишди, аммо ютқазишса ҳам ўз сафдошларига — коммунистларга ютқазишаяпти. Улар ҳокимиятдаги айрим позицияларни бой беришди, аммо кетаётиб, ўз курсисини кечаги салафларига — бугунги оппозициядаги коммунистларга ташлаб кетишаяпти. Қайта қуриш коммунистлар ташаббусидир, аммо унга фаол қаршилик кўрсатаётганлар ҳам бир қисм коммунистлардир. Фақат бошловчилар эмас, бошланганни тугатишга уринаётганлар ҳам жиддий кучлардир.

Янги пайдо бўлган партиялар айнан ўша кучлар билан ҳисоблашишга мажбур бўлажаклар. Шу жумладан, «Эрк» ўз тактикасида, ҳар қандай сиёсий ташкилот билан бўлгани каби, КПСС билан ҳам мулоқот принципини кўзда тутади.

МУХБИР: Марказий матбуотда, айниқса, жумҳуриятимиз рўзномаларида қайта қуриш, ошкоралик ва янгича фикрлаш сиёсатининг ижодкори ва ташаббускори КПССдир деган фикр кўп қайд этилади. Мен ҳам шу фикрга қўшиламан. Сиз-чи?

М. СОЛИҲ: Ҳақиқатан ҳам, қайта қуришни КПСС бошлаб берди. Буни инкор қилиш мумкин эмас. Лекин қайта қуриш, янгича фикрлаш ва ошкораликнинг «ижодкори» деб фақат КПССни кўрсатсак, ошириб юборган бўламиз. Масалан янгича фикрлаш сиёсатини 50-йилларда XX асрнинг икки донишманди Бертран Рассел ва Алберт Эйнштейн олға суришган эди. Улар ўзларининг дунё жамоатчилигига мурожаатида инсониятни капитализм ёки социализмга бўлиб эмас, балки бир инсон зотига мансублигимизни унутмаган ҳолда сиёсат юргизишимиз керак, дегандилар.

Иқтисодиётни қайта қуриш фикрининг ҳам ўз манбалари бор. 60-йилларда чехословакиялик олим Отто Шик социализмни инсоний қиёфали тузумга айлантириш учун бозор иқтисодиётига ўтиш керак, яъни иқтисодиётни режалаштиришдан воз кечиб, фақат бозор талаби ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда қайта қуриш лозимлигини уқтирган эди.

МУХБИР: Ҳар ҳолда, кейинги йилларда ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда кечаётган ўзгаришлар жиддий ва уларнинг йўналиши ижобийдир, буни ўзингиз ҳам тан олиб турибсиз...

М. СОЛИҲ: Албатта...

МУХБИР: ...Лекин кўпчиликни қийнаётган бир савол бор: мамлакатимизда, қолаверса, жумҳуриятимизда социализмнинг тақдири нима бўлар экан!

М. СОЛИҲ: Худди шу савол, яъни инсондаги ўз келажагига бефарқ қарай олмаслик туйғуси одамларни бугун маълум бир сиёсий ташкилотлар атрофида уюшмоққа чорлаяпти. Мамлакатимиз халқлари зиммасига янги масъулият — тарих синовидан ўтмаган бир жамият қуриш вазифаси юклатилган. Шу жамиятни қуришда «Эрк» демократик партияси ҳам ўз ҳиссасини қўшади, деб умид қилаяпмиз.

Суҳбатни Фарруҳ РАҲИМ ёзиб олди.

Чўлларда боғлар гулласин

ЖИЗЗАХ вилоятидаги «Известия» совхозининг меҳнаткашлари ўз хўжаликларидаги ерларга неча минглаб шафтоли, ўрик, олча, терак ва бошқа мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатларини ўтқаздилар.

Совхоз чўлда жойлашган, унинг ҳудудида ҳатто барханлар ҳам бор. Ёзда жазирама иссиқ, тангадек соя тополмайсиз, йил бўйи шамол эсиб туради. Шу сабабли хўжаликда ихота дарахтзорларини вужудга келтиришга ва мевазор боғлар барпо этишга қарор қилишди. Бунинг учун Андижон вилоятидан марказлашган ҳолда кўчат сотиб олишди ва иссиқ кунлар бошланиши билан бу кўчатларни барча хоҳловчиларга текинга улашишди. Энди барча ҳовлиларда, ариқлар, йўллар ва далаларнинг ёқаларида дарахтлар пайдо бўлди. Ўн гектар ерда эса совхоз боғи барпо этилди.



Қарши шаҳридаги тиббиёт билим юрти ҳовлисига афғонда ҳалок бўлган йигитларимиз хотирасига атаб ёдгорлик ўрнатилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шаҳар ҳамда билим юрти комсомол қўмиталари ташаббуси билан бунёд бўлган бу ёдгорлик шаҳар меҳнаткашларининг қадамжосига айланиб қолди.

Суратда: «Дарддош»лар ўзаро мулоқотда.

Ш. ШАРОПОВ сурати, (ЎзТАГ).

ТВ

20 АПРЕЛЬ — ЖУМА

● ЎзТВ I

11.30 «Олтин шохли кийикча». Садриддин Айний номидаги Бухоро вилояти мусиқий драма ва комедия театрининг спектакли. 12.20 «Дон Кихот болалари». Бадиий фильм («Мосфильм»). 13.30 «Театрдан икки қадам нарида...». Телефильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Лайлаклар учиб келганда». Қўғирчоқ фильм. 17.55 Концерт. 18.35 «Ахборот» (рус тилида). 18.55 Москва. **В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигига бағишланган тантанали мажлис.** 20.15 Москва. «Вақт». 20.45 «Ўзбекистон телевизион киножурнали». 20.55 «Одобнома». 21.10 «Аёл қалби наволари». Мусиқий кўрсатув. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Мақом кечаси». 23.00 Футбол бўйича мамлакат биринчилиги. «Пахтакор» — «Металлург» (Запорожье). «Пахтакор» Марказий стадионидан ёзиб олинган. 2-қисм. 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.10 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Солдат қиссаси». Бадиий фильм («Мосфильм»). 19.35 «Тошкент» студияси кўрсатади. Оҳангарон ноҳиясининг чорвадорлари ҳақида ҳикоя.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.15 Москва. «Вақт». 21.00 Тожикистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 «Сибирнинг мовий кўзи». Илмий-оммабоп фильм. 2-фильм. 9.05 Сергей Березин қўшиқлари. 9.15 «Туғилган куни — Москвада». Италиян кинодраматурги Тонино Гуэра билан учрашув. «Кинопанорама»га илова. 10.15 «Бор бўл, мусиқа!» 11.00 Йил фасллари. Апрель. 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.00 «Мусиқий хазина». 16.05 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 16.55 Хоккей. Жаҳон чемпионати. СССР — АҚШ терма командалари Швейцариядан кўрсатилади. 18.55 В. И. **Ленин таваллудининг 120 йиллигига бағишланган тантанали мажлис.** Кўрсатув тугагач — «Вақт» ва А. Хачатуряннинг «Спартак» балети. СССР Давлат академик Большой театрининг спектакли. 23.15 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 23.20 Долзарб интервью. 23.30 «Бу бўлган... бўлганди...» 24.00 «Нигоҳ». 01.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

8.15 «Устюрт платосининг сири». Илмий-оммабоп фильм. 8.35, 9.35 Мусиқа. 7-синф. С. С. Прокофьев. «Золушка». 9.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 10.35, 11.35 Тарих. 8-синф. Рус солномачилари. 11.05 «Бола билан мулоқот мактаби». 4-кўрсатув.

* * *

12.05 Ф. Лист. «Дантени ўқиб». Фантазия-соната. 12.25 Такрорий телефильмлар сеанси. «Ўтмишни қайтаринг». 4-серия. 1 ва 2-қисмлар. 14.50 «Икки қалб». Анжела Чумак куйлайди. 15.15 Меҳр-шафқат ҳафталиги. «Оппоқ атиргуллар». Ҳужжатли фильм премьераси. Ҳозирги кунларимиздаги энг муҳим тақчиллик — меҳр-шафқат тақчиллиги ҳақида («ЦСДФ»). 15.50 Спорт ҳамма учун. 16.05 «Қўшиқ инсон билан қолади». 17.00 «Майдон». Спорт программаси. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 18.30 Орел шаҳри маданий меросини асраш муаммолари ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 19.45 Информацион программа. 20.30 Меҳр-шафқат ҳафталиги. «Қизил Крест белгиси остида». Телевизион бадиий фильм.

Муҳаррир ўринбосари Фарруҳ РАҲИМОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 01254
Д — 23149.